КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ВА РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!


Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№48-49 (302-303) **2002**-yil **4**-dekabr

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.



Фахр

Йўлимизни ёритган маёқ

Дунё сиёсий харитасида яна бир янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига ўн бир йилдан ошди. Давлатчилигимиз асоси бўлган миллий Конституция қабул қилинганига эса ўн йил тўлаётир.

Истиқлол қуёши балқиган лаҳзадан халқимизнинг ўй-орзулари, эзгу интилишларини ўзида мужассам этган байроғимиз жаҳон узра ҳилпирайди. Ўшандан бери туғромизда тасвирланган афсонавий Ҳумо қуши халқимизни бахт-саодатга етаклаб, беғубор осмонимиз узра чарх ураётгандай. Истиқбол орзулари нашъу намоси уфурган оҳанглар мужассам мадҳиямиз ҳам қалбларимизда меҳр-ифтихор туйғуларини уйғотади **(5-модда)**. Ҳар бир мустақил давлатнинг пойтахти бўлгани каби, азим ва навқирон Тошкент Ватанимнинг маъмурий маркази бўлибгина қолмай, бутун дунёда "дўстлик ва тинчлик шаҳри" дея ном олган **(6-модда)**.

Бугун менинг, жонажон халқимнинг номидан ўзимиз ишониб сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бормоқда **(10-модда)**. Бу ишлар самараси ўлароқ, ўзбекни бутун дунё таниди, тан олди. Хусусан, Ўзбекистонни жаҳоннинг 160 дан зиёд давлати ўзининг ишончли ҳамкори сифатида қадрлайди. Уларнинг 104 нафари билан дипломатия алоқалари ўрнатилди, Тошкентда 43 та давлат элчихонаси, 8 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 2 та савдо ваколатхонаси

(Давоми 2-бетда).

ҚОМУСИМ

Номаси бўлмаснинг санаси йўқдир,
Санаси бўлмаснинг паноҳи йўқдир,
Маҳкумнинг юртида саноси йўқдир,
Минг нола этганда садоси йўқдир,
Суянчиқ бир гариб адоси йўқдир,
Энг аввал орию номуси бўлар.

Минг йиллик тарихинг, қароғинг бордир,
Ўрхундек қадимий сўроғинг бордир,
Бу чархи фалакда куроғинг бордир,
Ҳазратдан мерос ой-ўроғинг бордир,
Жаҳонни забт этган яроғинг бордир,
Эрларнинг букилмас номуси бўлар.

Улуғбек осмонга нарвон келадур,
"Луғотит турк"идан карвон келадур,
Ҳикмати "Алжабр" фармон келадур,
Мозий қаъридан бир армон келадур,
Имом Термизийдан дармон келадур,
Аждодлардан қолмиш Қақлуси бўлар.

Мағрибу Машриқда ҳикматинг қолмиш,
Арғонлар ичра бир қимматинг қолмиш,
Аллоҳ ярлақаган умматинг қолмиш,
Нақшбанд, Кубродек зумрадинг қолмиш,
Илмда эл аро ибратинг қолмиш,
Ҳоки пойларингнинг зиёси бўлар.

Эрк муҳрини Темур бобом зарб қилган,
Тулпор миниб йигитларни мард қилган,
Адолат деб разолатга ҳарб қилган,
Замин узра ягона бир Шарқ қилган,
Ватан ичра разолатни нарқ қилган,
Бу элнинг азалий Ҳумоси бўлар.

Туғилган ҳар бир жон шумора ўлмас,
Тафаккур мулкида тумора ўлмас,
Навоийдек дилга ҳумора ўлмас,
Туркийдек "Муножот",
"Сувора" ўлмас,
Дунёда бу наво оввора ўлмас,
Бу элнинг азалий Қомуси бўлар!

Сафар ОМОН,
Сурхондарё

Семинар



РЕКЛАМА БОЗОРИ:

БУГУНГИ ВАЗИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Тошкентда "Ўзбекистон реклама бозорининг ҳозирги аҳволи ҳамда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" мавзуидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Телерадиокомпания томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда мамлакатимиз бозорида фаолият юритаётган реклама берувчилар, уни тайёрлаш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари Бош муҳаррирлари, шунингдек, реклама ҳақидаги қонунчиликка амал қилишни назорат этиш ваколати юклатилган вазирлик ва муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар.

Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Р.Шоғуломов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қонун реклама бозорида илк қўникмаларни ҳосил қилиш имконини берганини таъкидлар экан, ривожланиб бораётган бу соҳадаги ўзгаришларга тўла жавоб топиш мақсадида қонунга киритилган ўзгаришлар аҳамияти, унинг мавжуд муаммолар ҳуқуқий ечимига эришиш, реклама бозорида тартиб ўрнатишдаги ижобий роли ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А. Бахромовнинг сўзларига қараганда, кейинги вақтда бериладиган реклама ҳажми қуйидагича тақсимланмоқда: телевидениеда – 47, радиода – 23, ташқи реклама воситасида – 18, матбуотда – 8, бошқа воситаларда — 4 фоиз. Бу ўринда ўз маҳсулотини реклама қилувчиларнинг 42 фоизи чет эл компаниялари, 40 фоизи қўшма корхоналар, 18 фоизигина маҳаллий ишлаб чиқарувчилардир.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, жорий йилнинг 4 сентябрида истеъмол товарлари ишлаб чиқараётган хўжалик бирлашмалари, корхоналар билан биргаликда маҳаллий маҳсулотлар рекламасини яхшилаш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ 131 турдаги истеъмол маҳсулотларини реклама қилиш режалаштирилган. Айни пайтда эса унинг 65 хилигина реклама қилинаяпти, холос. Тадбирлар натижасида 118 миллион сўмлик реклама маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказилади. Улардан 29 миллион сўмлик реклама телевидениеда, 6 миллион сўмлик реклама радиода, босма нашрларда эса 45 миллион сўмлик реклама берилиши мўлжалланган.

Семинар-кенгаш иштирокчилари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга реклама йиғимларининг бекор қилиниши каби имтиёзлар бу соҳадаги бозорнинг жонланишига ҳисса қўшишини таъкидладилар.

А. РАҲИМ,
"Ҳуррият" мухбири

Бурч

ЖУРНАЛИСТ ЮКИ

Жорий йил матбуот учун табиий бурилиш йили бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг изчил сиёсати бу ўринда ҳам ўзлигини намоён этди. Уч тарихий ҳужжатда давлатимиз раҳбари республика матбуотининг асл моҳияти ва мақсади борасида муҳим қарашларини баён этди.

Президентимизнинг табрик мактубида "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонда (2002 йил 3 июл) ва Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган маърузасида, умуман, шу кунги матбуот пойдевори белгилаб берилди. Маърузада тилга олинган тараққиётнинг устувор йўналишининг тўртинчисида "энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш" зарурлиги алоҳида таъкидланди. Табрик мактубида қалам битаётган сўзнинг юки ҳақида гапириб, Юртбошимиз оқни – оқ, қорани – қора, "жиноятни – жиноят, хиёнатни – хиёнат" деб аташга даъват этди. Юқорида тилга олинган Фармонда эса "... цензура, таҳрир қилиш, таъқиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилди".

Кўриниб турибдики, республикамиз матбуотида тубдан бурилиш палласи етилди. Хўш, ушбу бурилиш биз матбуотчилар зиммасига бугунги кунда қандай вазифаларни юклайди?

Аввало, жамият ҳаётида тараққиёт ва фаровонликни демократиясиз тасаввур этиб бўлмайди, демократияни эса ошкораликсиз тасаввур этиш қийин. Ошкоралик ўз навбатида жамоатчилик назоратини тақозо этади. Мазкур икки вазифа ўз-ўзидан ОАВ зиммасига тушади. Бу ўринда ОАВ биринчи сўзни айтиши талаб этилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ОАВ бу масъулиятли вазифани адо этишида жамиятнинг ўзига, ўз-ўзини бошқариш каби демократик тамойилларга, фуқароларнинг эркинлик ва демократияни қай даражада ҳис этиш ва ҳурмат қилиш принципларига таянади. Эркинлашмаган жамиятда ҳар қандай ОАВнинг сўзи пуч бўлиб қолаверади. Бу борада яна бир масала муҳимки, ошкоралик шунчаки пала-партиш юзаки гап бўлмай, ҳар томонлама асосланган, соҳанинг ижобий ва салбий томонларини чуқур англагани ҳолда юзага келган ахборот бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса журналистдан соҳа бўйича кенг ва чуқур дунёвий билим ва дунёқараш талаб этилади.

Жамоат назорати ва ошкоралик ўз-ўзидан қўрқувни рад этади, журналистдан "қўрқаписа ва бирёқлама қалам тебратишдан воз кечишни" талаб этади. Бунга эса журналист юқорида айтганимиздек, ҳар жиҳатдан тайёр ва юксак савияга эга бўлмоғи, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўймоғи, ҳақиқат учун жонини тикмоғи лозим. Бу хислатлар унинг профессионал маданиятини белгилайди.

Журналист профессионал маданияти мавжуд ва ривожланган кўп мамлакатларда халқаро қадрият сифатида шаклланган. Биз ундан ўрганиш керак демоқчи эмасмиз, балки ундан ўз тарихий қадриятларимиз асосида фойдаланмоғимиз даркор, демоқчимиз. Биз ўз тарихимиз, маънавий асосларимиз, давлатчилик тизимларимиз, урф-одат, анъаналаримиз асосида шаклланган ўзбекона журналистик маданият юзага келмоғи ва у дунёвий журналистик маданият билан уйғунлашган ҳолда амал қилмоғи лозим, деб ўйлаймиз. Ана шундагина том маънодаги журналистика ўчоқлари дунёга келади, деган умиддамиз.

Масалан, халқимизнинг қадим-қадимдан яшаб келаётган анъаналари журналистикамизнинг ўқ томирини белгилаб туриши лозим. Айтайлик, ўзбекдаги меҳмондўстлик, ҳашар анъаналари қаторида биргина меҳр-оқибат тушунчасини олайлик. Ғарб халқларига хос ёлғизликка маҳкумлик тушунчаси олдида ўзбек фарзандининг ота-онага сўнгги дақиқаларгача ва кейин ҳам кўрсатадиган меҳр-оқибати қай бир халқда шу даражада ривож топган? Эгоизмнинг сўнгги поғоналарига кўтарилаётган халқларда ота ўз боласига ёхуд, аксинча, боланинг отага оқибати йўқлиги-чи? Ватан, маҳалла, оила тушунчаларининг уйғунлашиб бораётгани ҳам кўп халқларда биздагичалик сезилмайди. Шу боис ҳам маҳалла ҳаракати тез самара берди, маҳалла ободончилиги, тозалиги қўлни-қўлга бериб амалга оширилди. Тарбия борасида эса маҳалла асосий таянч нуқталаридан бирига айланди. Қадимий "маҳаллада бош кўтариб юриш" тушунчаси ҳозир ҳам заррача қимматини йўқотгани йўқ. Маҳалла кичкинани ҳам, каттани ҳам бирдек тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Демак, матбуотда фикр айтишда халқимизнинг шу сингари маънавий жиҳатларидан келиб чиқиш жоиз. Халқимизнинг ўзига, фақат ўзига хос хислатларини санаб адо этиш қийин. Бу эса журналистга катта масъулият юклайди. Юртбошимиз матбуотда цензурага йўл қўймаслик ҳақида сўзлаганларида бекордан бехуда ўзбекона андиша, одоб ҳақида сўз очганлари йўқ. Матбуот саҳифасида бебошликка ўрин йўқ. Цензуранинг йўқлиги энди муҳаррирдан катта масъулият талаб этади. Муҳаррир эндиликда Ўзбекистонда амал қиладиган ички ва халқаро қонунларни, улардан келиб чиқадиган айрим қонун-қоидаларни мукаммал билиши талаб этилади. Шу билан бир қаторда ўзбек халқининг қонунларда ҳам акс этмаган ўта чуқур таълим-тарбия, одоб-ахлоққа оид маънавий илдизлари борки, муҳаррир ундан хабардор бўлмоғи, ундан бахра олмоғи, газетанинг маърифий саҳифаларида уларга таянган ҳолда фикр юритмоғи лозим.

Демократиянинг асосий тамойилларидан бири Қонуннинг устуворлигидир. Бироқ қонун қотиб қолган нарса эмас. Тарихда мукаммал қонунлар даражасига эга бўлган жамиятлар саноқли. Ҳар жиҳатдан мукаммал қонунни халқ ўз шахсий қонуни, турмуш даражаси деб тан олади ва бунга ҳам башарият тарихида мисоллар бор. Қолаверса, қонун жамият ҳаётининг ҳар бир жиҳатини ҳисобга олган деб бўлмайди. Бас, шундай экан, ижтимоий ҳаёт бугунги журналист олдига кўп муаммоли жумбоқларни ташлаши турган гап. Журналистдан бунга ҳам тайёр туриш талаб этилади.

Журналист олдида турган яна бир вазифа ҳалоллик, бағрикенглик ва олийжаноблиқдир. Ҳолбуки, Олий Мажлис депутати, қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, матбуотда журналист ўз шахсий мулоҳаза ва ҳукмини ўқийди. Ҳар қандай шахсий мулоҳаза ёхуд ҳукм бирёқламалик, манфаатдорликдан холи бўлмоғи керак. Журналист ўз шахсий мулоҳазаси ва ҳукмини ҳеч қачон жамиятнинг фикри ва ҳукми тарзида сингдирмаслиги лозим. Унинг вазифаси масала ва муаммога тамал тошини вазминлик, бағрикенглик ва олийжаноблик билан қўйишдир. Ачинарлиси шундаки, шу кунларда ҳам ҳали-ҳануз муҳаррирларимиз бунинг фарқига бора олмаяптилар. Матбуотнинг кучини ҳуда-беҳуда чора кўришга мажбур этиш деб билмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).



ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Миллий Матбуот марказида "Ёшларнинг фаол фуқаролик позицияси наркоманияга қарши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари фаоллари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги, ЮНИСЕФ, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари вакиллари иштирок этдилар.

"Болалар ва катталар" деб номланган нодавлат ташкилоти томонидан ташкил этилган бу анжуманда ёшларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, уларнинг фаол позициясини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, гиёҳвандликнинг олдини олишда ёшлар иштироки ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, республикамиз шаҳарларидаги мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртлари талабалар орасида гиёҳвандликка муносабатни аниқлаш учун ўтказилган социологик тадқиқот натижалари маълум қилинди.

1998 йилда расман рўйхатдан ўтган "Болалар ва катталар" болалар ва ёшларга тушунарли тил ва воситалар билан мавжуд муаммоларни ҳал этишда фаоллик қилаётган ташкилотлардандир. "Бизнинг ҳуқуқларимиз" газетасининг чоп этилиши, турли расмлар кўргазмалари ташкил қилиниши, умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчилари учун "Конституция алифбоси" номли китоблар туркуми чоп этилиши ушбу ташкилотнинг хайрли ишларидандир.

Мусурмон БОБОҚУЛОВ

ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультетида "Маънавият, тасаввуф ва мафкура" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда факультетнинг II курс талабалари маънавият, мафкура ва тасаввуфга оид мавзуларда маърузалар ўқишди. Талаба М. Жўраеванинг "Президент Ислом Каримовнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли асарида эътиқоднинг инъикос этиши", А. Исматуллаевнинг "Тасаввуф"нинг вужудга келиши ва тараққий этиши", А. Назаровнинг "Машраб ижодида маънавият ва тасаввуф", Э. Осмоновнинг "Авесто"да маънавият ва маънавий тарбия" мавзуларидаги маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Илгарилари бундай тадбирларда фақат битирувчи курс талабаларигина маъруза қилишарди. Ҳозирда биз I-II курс талабаларига ҳам жиддий мавзуларда маъруза ўқишларига имконият яратяпмиз, – дейди фалсафа фанлари доктори Маҳмуджон Нурматов. – Талабаларнинг ўзлари танлаган мавзуларни чуқур ва атрофлича ўрганганликлари, тафаккур дунёси, маънавий салоҳияти, интилувчанликлари қувонарлидир.

Муҳяддин АБДУРАСУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳамда Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси «Ҳуқуқ ва бурч» танловига таклиф этади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар) ҳуқуқий мавзуда бўлиб, ҳуқуқий маданиятнинг ошишига, аҳоли ўртасида хўжалик қонунчилиги ва хўжалик судлари фаолияти тўғрисидаги билим ва тушунчаларини бойитишга, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг амалга ошишига хизмат қилиши лозим.

Шунингдек, танловга тақдим этиладиган ишларда қуйидагиларга эътибор қилиниши сўралади:

- *хўжалик суди судлов ишларини юритишнинг тамойиллари;*
- *хўжалик судлари фаолиятининг такомиллашуви;*
- *хўжалик суди ва халқаро ҳуқуқ;*
- *хўжалик судлари фаолияти, ютуқ ва муаммолари.*

Ғолибларни қимматбаҳо мукофотлар кутади!

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар шу йилнинг 16 декабрига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Навоий кўчаси 30, 37-хона

Маълумот учун телефонлар: 144-64-62, 77-14-69
Фурсат оз қолди, шошилинг, азиз ҳамкасблар!

УШБУ СОНДА:

ҲАР ИШНИ ЭПЛАГАН ҚИЛСИН ҚОНУНЛАР ИШЛАГАНДА... 2

Халқ фикрига қулоқ тутяпмизми? 3

ЗИДДИЯТ ЙИЛНОМАСИ 5

Имтиёз хўжакўрсингами... 7

Нега авлиё йўқ? 8

Обуна — 2003


«АЗ»

аси жамоаси

10

ЗОН

ИН



Mustaqil gazeta HURRIYAT

Йўлимизни ёритган маёқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва 6 та фахрий консуллик аккредитация қилинган. Бундай озод ва обод юртда ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади **(13-модда)**. Ўз ҳудудида ҳам, ташқарида ҳам фуқароларини ҳимоя қила оладиган ва уларга ҳомийлик қилишни кафолатлайдиган **(22-модда)** бу заминнинг ҳар бир қаричи бебаҳо.

Мен бугун фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгаман. Мен ўзим истаган ахборотни излашим, олишим ва уни тарқатишим мумкин **(29-модда)**.

Бугун Ўзбекистон фуқаролари учун виждон эркинлиги кафолатланган: ҳар ким ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди **(31-модда)**. Қомусимизда таъкидланганидек, ҳар бир шахс мулкдор бўлиш **(36-модда)**, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш **(37-модда)** ҳуқуқига эга. Ана шундай халқпарвар юртнинг бир ҳовуч тупроғи учун минг бора жон фидо этсанг арзийди!

Мен ҳукуматим томонидан таъминланган ва кафолатланган, тиббий соҳадаги муассаса ва махсус билимларга эга бўлган шахсларга тиббий ёрдам сўраб мурожаат этишим ва олишим мумкин **(40-модда)**. Бепул умумий таълим олишим эса дунё илмларини чуқур ўрганишим учун яратилган улкан имкониятдир **(41-модда)**.

Бош Қонунимиз фуқароларнинг фақат асосий ҳуқуқларинигина эмас, балки бурчларини ҳам тартибга солади. Табиийки, мажбурият шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бошқа фуқаронинг эркинлигини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши лозим. Бу Конституциямизнинг умуминсоний тамойилларига асосланади.

Мен халқимнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга бурчлиман **(50-модда)**. Зеро, асрлар давомида шаклланган бу шарафли бурчни адо этиш ифтихордир. Энг асосийси, юртимни ёвуз ниятли кишилардан ҳимоя қилиш ҳам менинг ана шундай муқаддас бурчларим сирасига киради **(52-модда)**.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, уларнинг қонунга мувофиқ ишлаши ва бунда цензурага йўл қўйилмаслиги **(67-модда)** биз кураётган демократик жамият тақозосидир.

Хуллас, ўн йилдан буён менинг, Сизнинг, азиз ўзбек халқининг йўлини ажиб бир маёқ ёритиб келмоқда. Келинг, азиз юртдошим! Ана шу ёрқин маёқ остида бирлашиб, келажаги буюк бўлган бу она заминнинг муносиб фарзанди бўлайлик!

Давлатжон ПОЛВОНОВ

Конституция ва маънавият



Маънавий-маърифий, адолатли жамият, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги билан боғлиқ масалалар кеча ёки бугуннинг муаммоси эмас. Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, маънавиятга, маърифат, эзгулик, адолат, эркинлик, озод яшаш, инсон ҳуқуқларига тўла-тўкис эришишга интилиб яшаган. Жамиятнинг инсонпарварлик, демократик адолатга асосланган тамойилларини белгилайдиган бирдан-бир мезон маънавият ва маърифатдир. Маънавиятли ва маърифатли инсонгина кўзи тўқ, эркин, озод бўлиш баробарида адолат билан иш тутади, соғлом фикрлайди, келажакка ишонч билан қарайди. Ватанга муҳаббат, инсон боласига ҳурмат адолат мезонига айланади.

Маънавиятли ва маърифатли инсонгина жаҳолатдан, зулм ва зўравонликдан жирканади, ўз ҳақ-ҳуқуқи, эркини ҳимоя қилишга, озод яшашга, адолатсизликка қарши курашишга ўзида имкон сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ғарбий Германиядаги 29 та клиникада рўза билан даволаш ишлари олиб борилмоқда. Рўза мутахассиси сифатида тан олинган доктор Хелмут Лутцнернинг айтишича, рўза вужуднинг йиллар давомида ўзида сақлаган заҳарли моддаларини ва ифлосликларни ташқарига чиқиб кетишининг энг табиий йўлидир.

Мен бу мақолани ёзишимдан аввал биринчи сафар ўн кун, иккинчи сафар эса 25 кун давомида рўза тутдим ва қилган тадқиқотларимда ушбу натижаларни қўлга киритдим:

- Рўза тутган киши очликни ҳис қилмайди;
- рўза тана ва фикрнинг сезиш қувватини кучайтиради;
- рўза инсоннинг ўз мавжуд ҳолатини сақлаб қолишига ҳеч қандай монеълик қилмайди.


Рўза тутганимда фақатгина ортиқча вазнларни йўқотишга ҳаракат қилмасдан, балки рўзанинг маънавий таъсирларини ҳам таҳлил қилдим. Зеро, ейиш ва ичишнинг нафақат инсон баданига, балки руҳига ҳам таъсир қилишини билардим ва ейиш-ичишдан тийилганда зеҳн ва руҳнинг равшанлашишига имоним комил эди.

Рўза инсоният тарихи ибтидосига қадай ҳаракатлари нотўғри эканлиги фақат инсонпарвар Конституциямизнинг қудратли кучи орқалигина исботланади. Шу сабабли Президентимиз қонунларни пухта билишимизга даъват қилиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш ҳақида" Фармойиш қабул қилган эди. Мустақилликнинг буюклиги шундаки, у бизга ҳуқуқ, озодлик неъматлари билан бирга миллатнинг улуғ бойлиги — тилимизнинг ривожланишига, кўп миллатли давлатимизда миллатлараро аҳиллигини тиклаш, уларнинг урф-одатларини ҳурмат қилиш, ривожлантириш учун қонуний замин яратди. Конституциямизнинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, инсон эркинлиги, бошқа миллат ва элатларнинг миллий қадриятларини ҳурмат ва эътиборга ҳурмат ва эътиборлик билан тайёрланиш қан далолатдир. Шу боис ди мунихлик психолог Кунгги 10 йил мобайнида мам Шайд. У ўз фикрини шун эттиради: "Рўзага ҳаётий эътибор берилса, рўза ичи рин қийматлар ҳам йўқ б шқача айтганда, инсон мо лан машғул бўлгани сайи нг 13, 63, айниқса 66-мод ятдан узоқлашиб кетади".

Ҳамманинг билиши кер бошқа бир рўза касаллигидан ган барча тирик мавжу организми талаб қилган р саломатлигини йўқотган м ейиш ва ичишни тарк қил

Бунинг изоҳи шундайд ликка чалинган вужуд ҳа ни истамайди. Чунки бу ж лан тирик мавжудотнинг қилган озиқ-овқати энерги дан бирини сарфлайди. Ш тана керакли энергияни ларидан (масалан, ёғ қа дан) олишни афзал кўради кучини касалликка қарш ҳимояга қаратади.

Рўзанинг унутилган қад дунёсида такрор тушунти та ҳиссаси бўлган доктор



Лайлат-ул-қадр

Гул кўнгилдан
кетмаган тўзим,
Нафсимнинг минг
хил тавқуси надир,
Ўн икки ой
тўрт бўлди кўзим,
Бир йил кутдим
Лайлат-ул-қадр.
Қайта янги тунлади олам,
Умримни оқ дуога чайдим,
Эрта сари учдим хаёлан,
Ҳар кунимга шукрона айтиб,
Шул фазрда
ҳал бўлмиш умрим,
Артилгайдир йўл губорини,
Зулжамолдан
бир ҳаёт сўрдим,
Кўргум пешонамда борини...
Кўрдим, учиб
бораркан эрким,
Жон кўрмаган мовий диёрга,
Айтур: бир кун у ёқдан
келдим,
Кетгум яна Парвардигорга!

Аъзам ОБИДОВ

Ажабо!

Бу киши билан илк бор суҳбатлашганимда рус адиби А. Беляевнинг "Жаҳонгир" номли романи воқеалари кўз олдимда намоён бўла бошлади. Асарда бош қаҳрамон ўзидан биоэнергетик нур таратувчи ускуна яратади ва бунинг натижасида бутун шаҳарни остин-устун қилиб юборади: кўчаларда автоҳалокатлар туфайли ҳаракат тўхтаган, одамлар карахт аҳволда – кимдир хандон отиб кулади, яна кимдир уввос солиб йиғлайди... **Бахтиёр Умаров:** 1947 йилда туғилган. Москва Энергетика институтининг Электр тизимлари кибернетикаси бўлимини тамомлаган. Кейинги пайтда мустақил равишда биоэнергетик нурлар бўйича илмий изланишлар олиб боради. Айтишларича, Бахтиёр ака москвалик ноёб хислатли одам билан бевосита мулоқот қилишлари мумкин экан...

— **Одамга масофадан туриб таъсир ўтказиш ҳақида эшитгандим-у, лекин бунга, тўғриси, унчалик ишонмасдим...**

— Йўқ, бу бор нарса. Ҳақиқатан ҳам инсонни жуда узоқ масофадан туриб бемалол бошқарса бўлади. Ундай одам агар хоҳласа, исталган шахсни кулдириш ёки йиғлатиш, ҳатто ухлатиш ёки уйғотиш, ҳаракатга келтириш ёки ҳаракатдан тўхтатиш, ҳаттоки ўлдириш ҳам мумкин.

— **Ҳозир бу ҳақда кўп ёзилмоқда, кўп гапирилмоқда. Ҳатто "Ҳаёт" газетасида ҳам бир неча марта мақолалар чоп этилди. Ҳаммаси ҳам ишонарли эмас. Ҳақиқатан ҳам шундай қудратга эга одам борми?**

— Ҳа, бор. Ҳозир ҳаммаси ҳам ишонарли эмас, дедингиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳозир ҳаётимизда ишонарли бўлмаган, ақлга сиғмайдиган шундай воқеалар рўй бермоқдаки, ҳатто ақлли одам ҳам ҳайрон қолади. Ҳаётимизда ҳеч ишонгиси келмайди

Таҳлил

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда у муҳим ўрин тутади

“Сизларга маълумки, жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожланганлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндошув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим”.

Ислом КАРИМОВ

Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи томондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатдан бири бўлмаса, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам, ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қилади. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақалари фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Жамоатчилик фикри муайян ижтимоий-сиёсий ҳолат, турмуш тарзи, иқтисодий ўзгаришлар хусусида умумий ёки бир неча хил муносабатларга, мавжуд ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлари, муаммонинг ечимига хилоф бўлаётган омиллар борасида эса мутлақо қарама-қарши ҳамда ўзгарувчан қарашларга эга бўлади. Жамоатчилик фикрининг тез ўзгарувчан табиати ҳам уни ижтимоий онгнинг фаол қисми сифатида характерлайди.

Айни чоғда, жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат ва жамият барқарорлигини таъминлаш кафолати ҳам саналади.

Мамлакатда амалга оширалаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида намоён бўлади.

Шу боисдан, жамоатчилик фикрини хаотик асосларда, ёхуд инерцион тарзда шакланишига йўл қўйиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Тарихда собиқ шўролар ҳукуматининг сўнгги лидерлари томонидан амалга оширилмоқчи бўлган қатор лойиҳалар, ижтимоий ўзгаришлар ислоҳотининг инқирозга юз тутганлиги фикримиз далили бўла олади.(Масалан, қайта қуриш дастурини амалга ошириш орқали собиқ сиёсий тузум асосларини мустаҳкамлашга уриниш, Сибир дарёларини буриш, чекланган эҳтиёжларни шакллантириш, алкоголизмга қарши кураш ҳаракатлари ва ҳ.к.)

Шу боисдан ҳам ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларининг жамоатчилик фикрида қандай намоён бўлаётгани, уни қандай шакллантириш, оммани янгиланишлар руҳида тарбиялаш масаласи Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани бежиз эмас.

Ижтимоий фикрни шакллантириш тажрибалари

Яқин ўтмишимиздан маълумки, шўролар даврида жамоатчилик фикрига ҳукуматнинг доимий таъйиқи, яъни, ҳеч қандай эътирозларга ўрин қолдирмайдиган директив кўрсатмалари, махсус ҳамда кенг тармоқли сиёсий мафкуравий институтлар орқали изчил ва узлуксиз равишда сингдириб келинар эди. Бунинг учун эса ўзига хос икки босқичли таъсир услуби амалга оширилар эди. Биринчи босқичда вертикал таъсир услуби, яъни энг юқоридан энг қуйи бўғинларгача давлат томонидан режалаштирилган ҳукмрон фикр тазйиқи тизимий тартибларда мукаммал дастурлар асосида амалга оширилса, иккинчи босқичда горизонтал таъсир услублари ишга туширилиб, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим тизими муассасалари, жамоат ташкилотларида “бу-юртма” қилинган сиёсий фикр алоҳида ижтимоий қатламлар онгига мунтазам равишда сингдирилар эди. Ана шу механизмни ҳаракатга келтириш учун эса давлат тизими марказлашган партия ва турли хил ташаббус гуруҳлари воситасида изчил ва узлуксиз равишда мафкуравий таъсир ўтказиб келар эди.

Директив кўрсатмалар таъсири ва тазйиқи остида сиёсий ва маънавий забун бўлган халқ ўз характерида табиий равишда ялпи тазйиқдан ҳимоя стандартларини шакллантирган эди.

Бугунги кунда ана шу услубда, яъни жамоатчилик фикрига режавий тарзда бевосита таъсир ўтказиш амалиёти Хитой, Шимолий Корея, Куба, Ироқ сингари мамлакатларда сақланиб турибди. Аммо, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларида жамоатчилик фикрининг билвосита услублари кенг қўлланилиб келмоқда. Бу услуб демократия тамойилларига асосланган бўлиб, асосан оммавий ахборот воситалари, реклама, норасмий лидерлар таъсири, шоу дастурлар ва бошқа омиллар воситасида амалга оширилади.

Фуқаролик жамиятида инсон учун ўз салоҳиятларини юзага чиқариш ҳамда ўз-ўзини моддий, сиёсий ва маънавий жиҳатлардан ҳимоялаш эҳтиёжи бирламчи масала сифатида кун тартибига чиқа-





ди. Бу эса кишини табиий равишда муайян иқтисодий, ижтимоий-сиёсий гуруҳларга аъзо бўлишини тақозо этади. Демократик ташкилотларга мансублик ҳолати эса, инсонга ўзи аъзо бўлган жамоа, жамият, ёхуд партия орқали ташқи воқеликка самарали таъсир этиш имкониятини ҳам юзага келтиради. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама, шоу-дастурлар) ва аниқ мўлжалли, хусусий таъсир (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишлари амал қилиб келади. Масалан, жамоатчилик фикрини бошқариш деб номланувчи (Public Relation) тизими орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200.000 кишидан кўпроқ киши доимий фаолият юритиб келади. Биргина АҚШ Мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда фуқароларнинг сиёсий гуруҳларда ижтимоийлашувидан ташқари ҳар бир ташкилотда шу ташкилот маданиятини шакллантиришга ихтисослашган социолог-психолог штатлари амал қилиб келади. Мисол учун, Рено заводининг Париждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (марказда 2,5 минг киши фаолият юритади) да 35 кишидан иборат социолог ва психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб йирик корхоналар иш тажрибаси орқали ҳам кўрсатиш мумкин.

Бугунги ҳолат

Тоталитар тузум давридаги давлат ва ҳукмрон партиянинг директив кўрсатмаларини аҳоли онгига тазйиқий сингдириш услубидан фарқ қилиб, Ўзбекистонда истиқлол йўлларининг илк даврлариданоқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида халқнинг маънавий сарчашмалари булоғини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Биринчидан, ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий ҳам амалий аҳамияти ортиб бормоқда.

Жамоатчилик фикри масаласида ўз қарашларини илгари сурган профессор С.Жўраев мазкур масаланинг бениҳоя муҳимлигини чуқур асослаб беради. (“Халқ сўзи” 2002йил, 19-октябрь сони) Айни чоғда профессор С.Жўраев “жамоатчилик фикрини ўрганишни давлат даражасида ташкил этиш” таклифини илгари суради-ки, бизнингча бундай ёндошув бироз баҳсли ҳисобланади. Негаки, ошкоралик ва демократия шароитида жамоатчилик фикрини ўрганишни фақат давлат масъуллиги доирасига кўчирилиши бу жараённинг эркинлигини бўғиши мумкин. Шу ўринда давлатнинг ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Давлат ошкоралик ва демократия шароитида фуқоролик жамияти эркинлигини таъминлаш гаранти сифатида намоён бўлади. Бу жараёнларда давлатнинг иштироки фақат ташкилий-ҳуқуқий, техникавий, моддий шароитларни таъминлашга кўмаклашиш билан чегараланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини эса нодавлат жамоат ташкилотлари, партиялар, илмий муассасалар, социологик марказлар бевосита, тўғридан-тўғри амалга ошириб борадилар.

Имкониятларимиз кўлами

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш борасида қандай потенциалимиз мавжуд? Ҳозирги кунда Республикамизда 507та газета ва 157та журнал рўйхатга олинган. Пойтахтимизда 5 та телеканал, 30 дан ортиқ таҳририят орқали кўрсатувлар тайёрланмоқда. Вилоятларда кўплаб телестудиялар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг аксар ҳудудлари радио тўлқинлари билан қамраб олинган. Юртимизда 37 та радио маҳсулотлар тарқатувчи марказлар куну-тун иш олиб бормоқда.

Айни чоғда Ўзбекистон ўрта ва ўрта-махсус таълим тизимида 550 мингдан ортиқроқ педагоглар, олий ўқув юртларида ишловчи 17,5 минг профессор-ўқитувчилар, 300 мингдан зиёдроқ инженерлар ҳамда олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат зиёлилар армияси мавжуддир.

Шунингдек, мамлакатимизда халқимизга маънавият тарқатиш иши учун бевосита мутасадди бўлган 12 минг кишидан иборат олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган маданий-маърифий соҳа ходимлари фаолият юритмоқдалар. Барча вилоят ва туман ҳокимликлари қошида “Маънавият ва маърифат” марказлари ишлаб турибди. Юртимизнинг барча ҳудудларида ўз-ўзини бошқаришнинг маҳаллий вакилликлари, маҳалла тузилмалари тарбиявий иш олиб бормоқда.

Фикрни шакллантириш

Хўш, юқорида айтилган ана шундай катта потенциалдан қандай фойдаланилмоқда. Таассуфки, мазкур имкониятлардан фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Масалан, Республикадаги 6 минг клуб ва маданият уйлари, 17 минг кутубхоналардан фарқ қилиб, конкрет аудитория, реал аҳоли гуруҳлари ўртасида бевосита иш олиб бориш имкониятларига эгадир. Аслида улар аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотга киришиш, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятларига кўра бошқа ижтимоий таъсир омилларидан устунроқ мавқега эгадирлар. Бу биринчи муаммо. Иккинчи катта муаммо-бу ўрганилган ижтимоий воқелик, жараёнлар тўғрисидаги ижтимоий фикрни оператив тарзда оммавий ахборот воситалари ҳамда телевидение орқали мунтазам равишда бериб борилмаслигидир.

Социологик тадқиқотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласининг нечоғли муҳимлигини теран англаш ва уни қадрият даражасида баҳолаш ҳам муҳимдир. Маълумки, телевидение, радио ёки бошқа оммавий ахборот воситалари социологик сўров натижаларидан ўз манфаатлари йўлидангина фойдаланишга интиладилар. Жамиятнинг холис фикри сифатида социологик сўров натижалари минбарлари ташкил этилмаган. Учинчи муаммо жамоатчилик фикрини шакллантиришда миллий менталитет омилидан етарли фойдаланмай келаётганмиздир. Маълумки, ўзбеклар табиатан жамоавий халқ бўлишларига қарамай лидернинг ибратига, раҳбарнинг, обрў-мартабали шахсларнинг намунасига қараб иш қилувчи халқ ҳисобланадилар. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда жойлардаги обрў-эътиборли шахсларга таяниш, уларнинг руҳлантирувчи потенциалидан фойдаланиш имкониятига етарли даражада эътибор берилмай келинмоқда. Яна бир муаммо бу ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар аудиториясидир. Социологик кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги пайтда маҳаллалар, туманлар ва ҳатто баъзи ишлаб чиқариш корхоналарида долзарб маънавий-маърифий масалаларга бағишланган мажлисларда аксарият доимий қатнашувчи бир хил одамлар гуруҳи таркиб топиб қолаётгани ҳам эътиборга олиниши зарур.

Таклифлар

Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмини йўлга қўйиш мақсадларида қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг амалий усул-услубларини ишлаб чиқиш, жамиятдаги турли табақалар вакилларининг ўзгараётган давр ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатларини кенг жамоатчилик эътиборига мунтазам тарзда ҳавола этиб бориш мақсадларида махсус ҳафталик газета нашрини йўлига қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур ишга амалиётчи социологлар, журналистлар, маҳаллалар фаоллари, Фанлар Академиясидаги ижтимоий фанлар соҳасидаги етук олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш соҳанинг ривожига хизмат қилади.

2. “Устоз” жамғармаси орқали олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг ривожланган мамлакатларда малака оширишлари, хориждаги иш тажрибаларни ўзлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.

3. Бугунги кунда мамлакатимиздаги жамоатчилик фикри ҳолатини реал ва атрофлича илмий асослаган ягона нашр “Ижтимоий фикр” “Инсон ҳуқуқлари” журнали тарғиботи ва ва обунасини яхшилашга эришиш ҳам муҳимдир.

4. Жамоатчилик фикрини шакллантириш самарадорлигига эришиш учун юртимиздаги мавжуд минглаб клублар, маданият уйлари, кутубхоналар фаолиятини жойлардаги маънавият ва маърифат марказлари иши билан уйғунлаштириш, бу борада идораларо ягона маъмурий бошқарув тизимини йўлга қўйиш кун тартибидаги масала ҳисобланади.

5. Оммавий ахборот воситалари билан социологик марказлар ўртасида ўрганилган ижтимоий фикр натижаларини ўзгариш қилмасдан, аниқроғи, таҳририятлар манфаатлари йўлида уларнинг мазмунини бузмасдан эълон қилиш, социологик тадқиқотлар якунларининг дахлсизлиги хусусида шартномалар имзоланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб борилувчи “Социолог минбари” рубрикасини жорий этиш зарур. Доимий рубрика эса социологик тадқиқот натижаларини мунтазам равишда пешма-пеш бериб боришни тақозо этади. Бу эса социологияга нисбатан реал талиф бозорини юзага келтиради. Фан ва соҳа ривожига кенг йўл очилади.

6. Тажриба сифатида бошқарувнинг қуйи бўғинлари, туман ҳокимликлари, нодавлат ташкилотлар, ўқув юртларида раҳбар рейтинги мониторингини жорий этиш ва ҳар уч ойда холис социологик марказлар кўмагида раҳбарнинг касбий ва ижтимоий мавқеи даражасини аниқлаб бориш ҳамда маҳаллий матбуотда олинган холис натижаларни мунтазам оммалаштириш ҳам бугунги кун талабларидан ҳисобланади.

7. Амалдаги социологик марказлар фаолиятининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, касб маҳоратларини ошириш мақсадларида, шунингдек янги тузилувчи социологик марказларнинг ҳаётда амал қилиши учун доимий фаолият юритувчи Социология илмий-амалий Марказини тузиш ва ана шу Марказда аттестациядан ўтганидан сўнг уларга амалий фаолият учун рухсат лицензияларини олишлари мақсадга мувофиқдир.

8. Социологик марказлар фаолиятларини уйғунлаштириш мақсадларида уларнинг фаолиятларини координация қилувчи Ўзбекистон Социологлари милли ассоциациясини тузишга кўмаклашиш керак.

9. Туманлар ва вилоятлар ва вилоятлар ҳокимликларида уларнинг мавжуд штатлари рўйхати доирасида социолог штатларини жорий этишни амалга ошириш жоиздир.

10. Жойларда, яъни туманлар, давлат ва нодавлат ташкилотларда ўзбек менталитети хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ортиқча сарф- харажат талаб қилувчи ялпи сўровлар ўтказишдан йўлидан бормасдан кам чиқимли ҳамда ишончли маълумотлар тўплаш имконини берувчи эксперт сўровларининг услубларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантиқига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимизнинг “Тафаккур” журнали бош муҳарририга берган интервьюсида, ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мажлисида сўзлаган нутқларида ва бошқа чиқишларида ёшлар авлод табиатида шижоат, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ғайратчанлик сингари фазилатларни шакллантириш хусусида тўхталган эдилар. Бу эса миллат менталитети таркибида мустақиллик, индивидуал ривожланишга эриша билиш хусусиятларини ривожлантиришни ҳам табиий равишда тақозо этади. Бу эса жамиятнинг барча аъзолари учун индивидуал тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруратини кун тартибига қўяди.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти халқимизни озод ва обод жамият барпо этиш ишларига қатъий азму қарор, шижоат билан киришишга даъват этмоқда. Бунинг учун эса кўпгина масалалар ечими ўзимизга боғлиқ эканини теран англамоғимиз, енг шимариб, ғайрат билан ишга киришмоғимиз лозим.

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори,
профессор

ЖУРНАЛИСТ ЮКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуотда манфаатга ўрин бўлмаслиги лозим. Мақола ёхуд материал таҳлилидан манфаатнинг ҳиди келадими-йўқми – мониторинг буни ҳисобга олмоғи лозим. Зеро, Истиқлол шарофати ила ўсиб келаётган авлодга ота-боболарига теккан “ўқ”лар тегмаслиги керак.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш жамият мавжуд эканки, ҳар хил кўринишда замонлар оша давом этиб келади. Бизнинг бугунги жамият ҳам бундан мустасно эмас. Модомики шундай экан, журналистнинг вазифаси бу курашда ҳалол ва холис позицияда туриш, ёмонликнинг бор башарасини очиб бериш, эзгуликнинг ғалабасини таъминлашдир. Бу йўлда журналист ҳар қандай “буюртма”лардан йироқ юриши, ташланган “суяк”лардан ҳазар қилмоғи шарт. Шунингдек, *матбуот шахсий адоватлар, амбициялар минбари ҳам бўлмаслиги керак.*

Юқорида айтганимиздек, оқни оқ, қорани қора дейиш, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ замони етилган экан, нега унда бойлик ва камбағаллик ҳақида гапирмаётирмиз?

Биринчидан, бой ва камбағал ҳар замонда бўлган, кимнингдир пешона тери, меҳнати эвазига келган мулки ёхуд ғайриқонуний йўл билан бойиганлиги ёки кимнингдир йўқчиликка мубтало бўлганини изоҳловчи тушунчалар, холос. Ҳар иккисининг таг-замирида маълум сабаблар зуҳур, ана шу сабабларни очиб бериш, улар ҳақида ёзиш, адабий қаҳрамонлар яратиш бугунги матбуотнинг кенг маънодаги вазифаси.

Биз фақат ялтироқ нарсаларни кўрсатиш, ёзиш билан машғул бўлмаётирмизми? Қани адабиётимизнинг бунга муносабати?

Одамларимиз қандай йўллар билан пул топмоқда? Нега бириси бой, бириси камбағал бўлиб қолмоқда? Нега бу ҳақда фильмлар йўқ? “Ўзбекистон” телеканалида кўрсатилаётган Япониянинг “Ошин” телесериали яшашга интилишнинг нақадар жозибали ва тарбиявий аҳамиятга эга эканини намойиш этиб турибди-ку.

Ҳамонки, рўй-рост гапиришимиз керак экан, одамларимизнинг шу кунлардаги бир салбий томони ҳақида ҳам очиқ айтайлик. Нега одамлар ҳозирда фақат ўзини ўйлаб қолди? Ўзи бой бўлиш, имкон қадар кўпроқ нарсани қўлга киритиш, олдинроқ эга бўлиш ҳақида қайғурмоқдалар? Булар қўлида чўғи бор одамлар, қўлида ҳеч нарса

«АЗ»
асы жамоаси
10
зон
ин
и
и



шоирларидек бебақо дунё тизгинини тутган алломалар ҳам бежиз “Эл ғамисиз ўтган кунни кун дема”, дея ҳикмат айтмаганлар.

Маҳалла, эл-юрт, Ватан ғамини ўз манфаатидан устун қўйиш, ўзни эмас, ўзгани кўзлаш учун одамда ҳеч бўлмаганда қўйидаги хислатлар камол топган, қон-қонига сингган бўлмоғи керак. Инсон ўзини ўзгаларсиз тасаввур эта олмаслиги, улар борлиги учун ҳам дунё ва ўзи, юрти ва халқи, маҳалласи ва оиласи мавжудлигини дил-дилидан ҳис этмоғи керак. Қўлидан кетган нарса элига кетаётганини билмоғи, қўлига келаётган нарса ҳам элидан келаётганини тушуниб етмоғи керак. У ўзбек халқининг парчасими, демак, ўзбек халқи, она Ватани обод бўлмай туриб, обод бўла олмайди. Ўзбек халқи бой-бадавлат бўлмай туриб, у бой бўла олмайди. Юрти обод бўлмас экан, унинг уйи ҳам обод бўлмайди. Қаерга қочмайлик, қаерга чекинмайлик, бу бор ҳақиқат.

Хулоса шуки, дунёни кенг кўра билиш ҳисси тарбияланмас экан, инсон худбинлик сари одимлайверади, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ замони етилган экан, нега унда бойлик ва камбағаллик ҳақида гапирмаётирмиз?

Биринчидан, бой ва камбағал ҳар замонда бўлган, кимнингдир пешона тери, меҳнати эвазига келган мулки ёхуд ғайриқонуний йўл билан бойиганлиги ёки кимнингдир йўқчиликка мубтало бўлганини изоҳловчи тушунчалар, холос. Ҳар иккисининг таг-замирида маълум сабаблар зуҳур, ана шу сабабларни очиб бериш, улар ҳақида ёзиш, адабий қаҳрамонлар яратиш бугунги матбуотнинг кенг маънодаги вазифаси.

Биз фақат ялтироқ нарсаларни кўрсатиш, ёзиш билан машғул бўлмаётирмизми? Қани адабиётимизнинг бунга муносабати?

Одамларимиз қандай йўллар билан пул топмоқда? Нега бириси бой, бириси камбағал бўлиб қолмоқда? Нега бу ҳақда фильмлар йўқ? “Ўзбекистон” телеканалида кўрсатилаётган Япониянинг “Ошин” телесериали яшашга интилишнинг нақадар жозибали ва тарбиявий аҳамиятга эга эканини намойиш этиб турибди-ку.

Ҳамонки, рўй-рост гапиришимиз керак экан, одамларимизнинг шу кунлардаги бир салбий томони ҳақида ҳам очиқ айтайлик. Нега одамлар ҳозирда фақат ўзини ўйлаб қолди? Ўзи бой бўлиш, имкон қадар кўпроқ нарсани қўлга киритиш, олдинроқ эга бўлиш ҳақида қайғурмоқдалар? Булар қўлида чўғи бор одамлар, қўлида ҳеч нарса

Муҳтарам юртдошлар!

Акциядорлик-тижорат



"АЛОҚАБАНК"

БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАСИ

ВАТАНИМИЗНИНГ БОШ ҚОМУСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 10 ЙИЛЛИК ТЎЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ АҲЛИНИ ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА ТАЯНИБ ЯШАШ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧ ВА ФАРОВОН ИСТИҚБОЛИМИЗ ГАРОВИДИР.

ТЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА СИЗНИ МУБОРАК АМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН ТАБРИКЛАШДАН БАХТИЁРМИЗ.

ЛАР МУБОРАК, МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗДА "АЛОҚАБАНК" ҲАМИША ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗДИР



сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ғарбий Германиядаги 29 та клиникада рўза билан даволаш ишлари олиб борилмоқда. Рўза деярли ҳамма хасталикка даво бўлганидек, ортиқча вазнларнинг зарарсиз ҳолатда камайишини таъминламоқда. Рўза мутахассиси сифатида тан олинган доктор Хелмут Лутцнернинг айтишича, рўза вужуднинг йиллар давомида ўзида сақлаган заҳарли моддаларини ва ифлосликларни ташқарига чиқиб кетишининг энг табиий йўлидир.

Мен бу мақолани ёзишимдан авval биринчи сафар ўн кун, иккинчи сафар эса 25 кун давомида рўза тутдим ва қилган тадқиқотларимда ушбу натижаларни қўлга киритдим:

- Рўза тутган киши очликни ҳис қилмайди;
- рўза тана ва фикрнинг сезиш қувватини кучайтиради;
- рўза инсоннинг ўз мавжуд ҳолатини сақлаб қолишига ҳеч қандай монеълик қилмайди.

Рўза тутганимда фақатгина ортиқча вазнларни йўқотишга ҳаракат қилмасдан, балки рўзанинг маънавий таъсирларини ҳам таҳлил қилдим. Зеро, ейиш ва ичишнинг нафақат инсон баданига, балки руҳига ҳам таъсир қилишини билардим ва ейиш-ичишдан тийилганда зеҳн ва руҳнинг равшанлашишига имоним комил эди.

Рўза инсоният тарихи ибтидосига

ўрганлар... дай қийинчиликка чида лар. Бу мамлакатларда ишдан келиб чиқаётган ликлар табиий офат ка тез тарқалмоқда.

"Диний байрамларнинг ҳавосини ҳис этиш учун р лик билан тайёрланиш к ди мунихлик психолог К Шайд. У ўз фикрини шун эттиради: "Рўзага ҳаёти эътибор берилса, рўза ич рин қимматлар ҳам йўқ б шқача айтганда, инсон м лан машғул бўлгани сайи ятдан узоқлашиб кетади".

Ҳамманинг билиши ке бошқа бир рўза касалли ган барча тирик мавжу организми талаб қилган р саломатлигини йўқотган ма ейиш ва ичишни тарк қил

Бунинг изоҳи шундайд ликка чалинган вужуд ҳа ни истамайди. Чунки бу ж лан тирик мавжудотнинг қилган озиқ-овқати энерги дан бирини сарфлайди. Ш тана керакли энергияни ларидан (масалан, ёғ қа дан) олишни афзал кўради кучини касалликка қар ҳимояга қаратади.

Рўзанинг унутилган қад дунёсида такрор тушунти та ҳиссаси бўлган доктор

Назм



Лайлат-ул-қадр

Гул кўнгилдан
кетмамиш тўзим,
Нафснинг минг
хил навъоси надир,
Ўн икки ой
тўрт бўлди кўзим,
Бир йил кутдим
Лайлат-ул-қадр.
Қайта янги туғилди олам,
Умримни оқ дуога чайдим,
Эрта сари учдим хаёлан,
Ҳар кунимга шукрона айтиб.
Шул фажрда
ҳал бўлмиш умрим,
Артилгайдир йўл ғуборим,
Зулмсамолдан
бир ҳаёт сўрдим,
Кўргум пешонамда борини...
Кўрдим, учиб
бораркан эрким,
Жон кўрмаган мовий диёрга,
Айтур: бир кун у ёқдан
келдим,
Кетгум яна Парвардигорга!

Аъзам ОБИДОВ

Ажабо!

Бу киши билан илк бор суҳбатлашганимда рус адиби А. Беляевнинг "Жаҳонгир" номли романи воқеалари кўз олдимда намоён бўла бошлади. Асарда бош қаҳрамон ўзидан биоэнергетик нур таратувчи ускуна яратади ва бунинг натижасида бутун шаҳарни остинустун қилиб юборади: кўчаларда автоҳалокатлар туфайли ҳаракат тўхтаган, одамлар карахт аҳволда — кимдир хандон отиб кулади, яна кимдир уввос солиб йиғлайди... **Бахтиёр Умаров:** 1947 йилда туғилган. Москва Энергетика институтининг Электр тизимлари кибернетикаси бўлимини тамомлаган. Кейинги пайтда мустақил равишда биоэнергетик нурлар бўйича илмий изланишлар олиб боради. Айтишларича, Бахтиёр ака москвалик ноёб хислатли одам билан бевосита мулоқот қилишлари мумкин экан...

— Одамга масофадан туриб таъсир ўтказиш ҳақида эшитгандим-у, лекин бунга, тўғриси, унчалик ишонмасдим...

— Йўқ, бу бор нарса. Ҳақиқатан ҳам инсонни жуда узоқ масофадан туриб бемалол бошқарса бўлади. Ундай одам агар хоҳласа, исталган шахсни қулдири-

Дараклар



МОСКВАНИНГ АФҒОНИСТОНГА ЁРДАМИ

Афғонистон Ташқи ишлар вазири Абдулло Абдулло толиблар мағлуб этилганидан сўнг бир йил ичида иккинчи бор Россияга расмий ташриф буюрди.

Вайроналик, ўзаро урушлар, наркомафиянинг доимий таҳдиди шароитида кун кечираётган Афғонистон ҳукумати айни дамда қўмакка, қўллаб-қувватлашга жуда муҳтож. Айниқса, кейинги пайтларда "Ал-Қоида" ва толиблар қолдиқлари жонланиб, шаҳарларда террористик актлар содир этишяпти, Америка ҳарбий гарнизонларини ракетадан ўққа тутишяпти. АҚШ солдатларидан йўқолган ва ғойиб бўлганлар сони 45 тага етган бўлиб, уларни топиш ва озод қилиш мушкуллигича қолмоқда.

Ана шу вазиятда Россия Афғонистонга Шимолий альянс асосида "янги афғон армияси ва ҳукуқни ҳимоялаш органларини тузишда" фаол иштирок этишни таклиф этмоқда.

Абдулло Абдулло ҳам Москвага Афғонистонни тиклаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни яхшилаш таклифи билан келганди.

Бироқ, Россия Карзай ҳукуматидан жуда ҳам рози эмас. Чунки янги ҳукумат даврида гиёҳванд моддалар етиштириш толиблар давридагига нисбатан 18 баробар ўсган. Би-би-си мухбирининг айтишича, Москва Карзай ҳукуматидагилар героин ишлаб чиқарувчи фабрика ва лабораториялар мамлакатнинг қаерида жойлашганини жуда яхши билади, деган фикрда.

AIRBUSНИНГ ҲАРБИЙ САМОЛЁТЛАРИ

Airbus A400M ҳарбий-транспорт самолётларини ишлаб чиқариш режалаштирилгани каби шу йил охиридан бошланади. Франция ва Германия вакиллари ана шуни маълум қилишган.

Германия бундай самолётларнинг 60 тасига буюртма берган бўлса, жами Европа мамлакатларига шу русумдаги самолётлардан 180 таси сотилади.

Би-би-си мухбирининг таъкидлашича, Европа давлатлари совуқ уруш мавсуми тугагач, мудофаага сарфланиб келинаётган маблағларни иқтисод қилишни афзал кўришаётган эди. Аммо Болқонда, Африка ва Шарқий Тиморда бўлиб ўтган воқеалар ва терроризмнинг авж олиши уларда бунга эрта деган фикр уйғотган.

Айни пайтда Германия мудофаа учун ўз ялпи ички маҳсулотининг 1,5 фоизини сарфлаётган бўлса, Европада бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 2,1 фоизни, АҚШда эса 3,2 фоизни ташкил этмоқда.



GLOBUS
international life

Ихтилоф

БМТ – АҚШ – ИРОҚ:

ЗИДДИЯТ ЙИЛНОМАСИ

Ирокда БМТ инспекторлари ўз фаолиятларини бошладилар. Улар олдида турган асосий вазифалардан бири — Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини (кимёвий, бактериологик ва ядро) яқин ва ўрта радиусга мўлжалланган реакторлар ишлаб чиқаришни аниқлаш. Бу саволга аниқ жавоб топиш жуда мушкул иш экани барчага аёндир. Мазкур масала юзасидан инспекторлар мингдан ортиқ объектларни текширувдан ўтказишлари керак. Юзтаси америкалик махсус хизмат ва разведка хизматларини кўпдан буён шубҳага солмоқда. Мазкур объектлар таркибига инспекторлар учун ёпиб қўйилган Саддам Ҳусайннинг президент саройи биноси, бундан ташқари, яширин бункерлар ва ғорларда жойлашган махсус лабораториялар киради. Агар БМТ инспекторлари томонидан мазкур объектлар ва ишлаб чиқариш дастури топилгудай бўлса, инспекция дарҳол БМТ Хавфсизлик Кенгашига хабар қилиши керак. Шундан сўнг Хавфсизлик Кенгаши Ироқнинг кейинги тақдирини ҳал қилишга киришади. БМТ инспекторлари таркибида 48 мамлакат вакиллари бўлиб, улар 300 кишини ташкил этадилар. Инспекция таркибига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Хитой, Австралия ва бошқа давлатлардан мутахассислар киритилган.

Биз "Вашингтонпрофайл" ахборот маркази тарқатган маълумотларга асосланиб, АҚШ ва Ироқ орасида 2002 йилда юз берган асосий воқеалар йилномаси билан таништирамиз.


2002 йил, 30 январ. АҚШ президенти Жорж Буш Ироқни (Эрон ва Шимолий Корея билан бирга) "Жаҳолат уяси" деб таъкидлади.

2002 йил, феврал ва март ойлари. Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг халқаро террорист Усама Бин Лодин билан алоқаси борлиги тўғрисидаги хабарлар тарқатилди. Кейинчалик АҚШ маъмурияти бу хабарни инкор этдилар.

2002 йил, 14 март. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ учун эксперт назоратининг янги турининг киритилишини бир овоздан маъқуллади. Бундан кейин Ироқ фуқаролари эҳтиёжи учун экспорт қилинаётган товарларни БМТ томонидан назорат этиш санкцияси бекор қилинди.

Ироққа фуқаролар учун киритиладиган барча товарларни етказиш жараёни анча соддалаштирилди. Ироқ томони тарқатган хабарларга кўра, БМТ томонидан илгари қўлланилган мазкур санкциялар оқибатида мамлакатда 1,5 миллион аҳоли нобуд бўлган.

2002 йил, 22 март. АҚШ Марказий разведка бошқармаси (CIAD) директори Ж. Тенет Ироқ оммавий қирғин қуролларини сотиб олиш йўлидаги ҳаракатларни давом эттираётганлигини таъкидлади.



2002 йил, 10 май. АҚШ Мудофаа вазири Д. Рамсфелд БМТнинг Ироққа нисбатан қўллаётган мурувватли санкцияларининг бирортаси Саддам Ҳусайнни тўхтатиб қола олмайди ҳамда мамлакатга киритилаётган товарларнинг аксарияти фуқаролар эҳтиёжи учун эмас, аслида ҳарбий амалиёт мақсадида фойдаланяпти, деб баёнот берди.

2002 йил, апрел-июн ойлари. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Саддам Ҳусайнни тахтдан ағдариш мақсадида ҳарбий куч ишлатилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида сўз юрита бошладилар. Бундан фойдаланган мухолиф кучлар Саддам Ҳусайнни тахтдан ағдариш мақсадида барча кучларни бирлаштиришга ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг барча амалий тадбирларида АҚШнинг юқори мартабали мансабдор шахслари фаол иштирок эта бошлади.

2002 йил, 12 сентябр. БМТнинг Бош Ассамблеясида маъруза қилган Жорж Буш Ироқнинг бутунлай қуролсизланишини талаб қилди. Ироқ Ташқи ишлар вазири Ж. Бушнинг мазкур маърузасига жавобан, Ироқ бундан буён БМТ инспекторларини мамлакатига киритмаслигини таъкидлади. Сентябр ойида Ироқ ҳарбий самолётларининг учиши таъқиқланган зоналарда, америкалик ва британиялик ҳарбий ҳаво авиацияси самолётлари Ироқ ҳарбий ҳаво ҳужумидан ҳимоя объектларига қарата бир неча бор ҳужум қилди.

2002йил, 16 сентябр. Ироқ томони мамлакат ҳудудида инспекцион текширувларнинг янги босқичи бошланишига қарши эмаслиги ва БМТнинг мазкур масаладаги қарорига итоат қилиши тўғрисида БМТ раҳбариятига махсус ҳужжат тақдим этди.

2002 йил, 24 сентябр. Ироқ БМТ инспекторларига мамлакат ҳудудида бемалол хоҳлаган объектларига кириши мумкинлиги тўғрисида ўз таклифларини берди. Шу билан бирга Буюк Британия Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш дастури тўғрисида ўз маърузасини чоп этди. Бир ойдан сўнг худди шунга ўхшаш маъруза АҚШ Марказий разведка бошқармаси (CIAD) томонидан ҳам тайёрланди.

2002 йил, 28 сентябр. Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан тайёрланган охирги резолюцияни бажаришдан бош тортгани тўғрисида хабар тарқатди.

2002 йил 4 октябр. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича махсус резолюция қабул қилишигача БМТ инспекторларини Ироққа юбориш масаласи тўхтатилди.

2002 йил, 12 октябр. Ироқ ҳеч қандай эътирозсиз БМТ инспекторларини қабул қилиши тўғрисида БМТга ўз таклифларини ва расмий мактубини йўллади. Лекин АҚШ мазкур таклиф ва мактубга танқидий фикр билдирди. Оқ уй матбуот котиби, жумладан, "Ироқнинг ушбу таклиф ва расмий мактубини БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинажак қатъий қароридан қўрқиб қилинган тактик ҳаракатларидан бири", деб баҳолади.

2002 йил, 15 октябр. Ироқда президент сайлови ўтказилди. Расмий хабарларга қараганда, Саддам Ҳусайн юз фоиз овозга эга бўлди.

2002 йил, 8 ноябр. БМТ Хавфсизлик Кенгаши бир овоздан N-1441- резолюциясини қабул қилди. Мазкур резолюция Ироқ қуролсизлантирилиши кераклиги, агар бунга риоя қилинмаса, оқибати ёмон бўлишини уқтириб ўтади. Бундан ташқари, 15 ноябрга қадар Ироқ расмий равишда БМТ инспекторларини қабул қилишини тасдиқлаши лозимлиги талаб этилган.

2002 йил, 12 ноябр. Ироқ Парламенти БМТнинг мазкур резолюциясини бажаришдан бош тортди.

2002 йил, 13 ноябр. Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгаши N-1441-резолюцияси талабларини бажариши тўғрисида хабар қилди.

2002 йил, 18 ноябр. БМТнинг N-1441-резолюциясига мувофиқ тузилган режа асосида БМТнинг биринчи инспекторлари ва техник персонали (30 киши) Боғдодга етиб келишди ва зарур чоратадбирлар ўтказишга киришди.

2002 йил, 30 ноябр. Ироққа БМТ инспекторларининг асосий гуруҳи етиб келди.

2002 йил, 22 декабр. БМТ инспекторлари Ироқ объектларини инспекция қилишни бошлашлари керак.

2003 йил, 21 феврал. БМТ инспекторлари БМТ Хавфсизлик Кенгашига инспекция якуни тўғрисидаги ҳисоботларини тақдим этишлари зарур...

Мавлон ШУКУРЗОДА

ОИТС (СПИД)нинг манбаи қаерда?

XX аср вабоси асосан 1981 йилдан бошлаб жаҳон олимлари диққатини жалб қила бошлади. Шу пайтгача ОИТСга қарши дори-дармон топилганича йўқ. Жаҳон тиббиётининг етакчи олимлари бу соҳада тинмай изланишлар олиб бормоқдалар. Францияда чоп этиладиган машҳур "Сьянс Э ви" журналининг ёзишича, Габондаги халқаро тиббиёт илмий-текшириш институтида иккита шимпанзе келтирилди ва улар текшириб кўрилганда иккаласи ҳам ОИТС нинг янги, номаълум вируси билан касалланганлиги аниқланди. Ваҳоланки, кейинги 15-20 йил ичида Африкада текширилган кўк мартишка маймунларининг ҳар иккисидан бири ОИТС билан касалланган эди. Янги вирус генетик таҳлил қилинганда шуни кўрсатдики, бу йил янги вирус одам ва бошқа маймунлар вирусига мос келар экан. Шимпанзедан топилган вирус одамнинг ВИЧ-1 вирусига ўхшар экан. Айрим тадқиқотчилар бу янги вирусннинг аниқланиши ОИТСнинг маймундан одамга ўтганлигини инкор қиладилар.

Ҳозирги пайтдаги барча маълум маймунлар вируси уларнинг авлодларида қолган ВИЧ-2 вирусига мос келади. Бу вирус билан ғарбий Африкадаги маймунлар касалланган. ВИЧ-2 вируси Марказий Африка ва жаҳонда тарқалган ВИЧ-1 вирусининг узоқ қариндошидир. Бундан кўриниб турибдики, жаҳонда бир эмас, иккита кўринишдаги эпидемия мавжуд, уларнинг вируслари ҳар хил бўлиб, турли географик ҳудудларда тарқалган. Ҳозир маймунлардан одам вируси ВИЧ-2 га яқинроқ бўлган 4 та вирус олинди, топилди. Япониялик олимлар олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра, жаҳондаги барча маймунлардаги вируслар одам ОИТСнинг илдизи бўла олмайди. Чунки улардаги вируслар одам вирусларига ўхшаган ўхшамайди.

Қизиқ ҳолат. Одамга вирус маймундан ўтмай, балки, аксинча, одам маймунга касалликни юқтирган бўлиши мумкин. Балки (СПИД) ОИТС вируси миллионлаб йиллардан буён мавжуд бўлиши мумкин ва ўз фаолиятида кам одамларни касалланториб, ҳеч ким унинг қандай касаллик эканлигини билмаган. Чунки ОИТС вируси аста-секин йиллар ўтгани сари одам танасини емириб боради ва одам узоқ муддат касалланиб, кейин ўлади. Бу саволларга жаҳондаги ОИТС билан шуғулланувчи олимлардан ҳеч бири аниқ жавоб бера олмайди. Чунки ОИТС касаллигининг қачон бошланганлигини ҳеч ким билмайди. Касалларнинг беморлик варақаси – тарихи XIX асрга келиб ёзила бошланди. Қизиғи шундаки, ОИТС касаллиги билан оғриган одамда касаллик аломатларини дарҳол аниқлаш мушкул, унинг аломатлари бир неча ойдан ёки бир неча йилдан кейин маълум бўлиши мумкин. Чунки аломатларида турли касалликлар кўринишлари рўй беради.

Европада ОИТС билан касалланган биринчи одам 25 ёшли инглиз денгизчиси эди. Унинг қонидан намуна олиб қолинган бўлиб, кейинги қон таҳлил қилинганда унда, ОИТС вируси борлиги аниқланди.

ОИТС касаллигининг шу кунлари тарқалишига ва унинг ривожланишига икки сабаб бор, дейдилар. Олимларга агар ОИТС вируси аввалдан маълум бўлса, нима учун у энди ошкор қилинди, деган савол билан мурожаат қилдик. Улардан шундай жавоб оламиз: «Касаллик қўзғатувчи вирус кейинги асрлар давомида кескин ўзгариб, фаоллашди. Иккинчидан, сайёрамизда турли ижтимоий ўзгаришлар, Ер аҳолисининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишлари, саёҳатлар, аҳолоққа эркинлик берилиши, гиёҳвандликнинг кўплаб тарқалиши, кенг миқёсда қон қуйиш ва танага турли дориларни шприц орқали юборишлар сабаб десак, хато бўлмайди».

Қисқаси, ОИТСнинг пайдо бўлишига маймун эмас, одам сабабчидир, чунки атроф-муҳитни ўйламасдан ўзлаштириш, экологиянинг бузилиши, она табиат қонунларига хилоф равишда иш юритиш XX аср вабосига кенг имкониятлар очди. Табиат, ҳали ҳам бизга ўз қаршилигини амалда кўрсатаётгани йўқ. Биз кўриб, ҳис этиб турган экологик мувозанатнинг бузилиши унинг бир кичик қисмидир, холос. Инсониятнинг фақат ўзини-ўзи йўқ қиладиган вирус ихтиро қилиши қолди, холос.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

SJG

«СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси



юртдошларимизни миллий Қомусимиз қабул қилинганига 10 йил тўлиши ва муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан қизғин қутлаётганидан бениҳоя мамнун.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ ТАШЛАНАЁТГАН ҲАР БИР ОДИМИНГИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛСИН!



«Ўзсаноатқурилишбанк»

акциядорлик тижорат банки

**ОНА ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИНИ
МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
10 ЙИЛЛИГИ ВА РАМАЗОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ
БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!**

***АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ БУЮК КЕЛАЖАК
ЯРАТИШДА ДАСТУРИЛАМАЛИМИЗ
БЎЛСА, ОТА-БОБОЛАРИМИЗ
АРДОҚЛАГАН ҚАДРИЯТЛАР
ҚАЛБИМИЗДА ЁНИБ ТУРГАН МАЁҚДИР.***

**МУБОРАК КУНЛАРДА
“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”
ҲАМИША СИЗ БИЛАН БИРГА!**

БАЙРАМЛАР МУБОРАК, АЗИЗЛАР !



Туйғу

ЮЛДУЗЛАР СОНИЧА СОҒИНЧИМ...

Мен онам ҳақида ёзишга кўп уриниб кўрдим. Бироқ кўнглимдагидек чиқмади. Чунки она ҳақида ёзишнинг ажиб бир салобати бор. Кўнгил меҳрга тўлиб кетганда уни сўз билан ифодалаш қийин. Шу боис кўздан оққан томчилар меҳрнинг ифодаси бўлиб юмалайверади, юмалайверади.

... Менинг онам Ойимхол Исмоилова "Қарияларни қадрлаш йили"да 65 ёшга тўладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг табаррук ёшидан ошганлар, нуроний аёллар. Онам Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги 3-ўрта мактабда узоқ йиллар ўқитувчилик қиладилар. Маҳалламиз аҳли онам ҳақида сўз кетса, "ўз касби билан туғилган аёл" дейишади.

У кимё-биология фанларидан сабоқ берган. Ундан таҳсил олган ўқувчилар эса институтларга ҳужжат топшириб, кимё-биология фанлари бўйича имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган. Шогирдлари орасида шифокорлик касбини эгаллаганлари жуда кўп.

Онамда ўқитувчилик касбига нисбатан қандайдир туғма қобилият мавжуд эди. Бу муҳтарама аёл узоқ йиллар бош оғриғи хасталигидан озор чекса-да, шифокорлар ўқитувчилик касби соғлиғига тўғри келмаслигини айтса-да, барибир жонажон мактабидан қадамини узгиси келмасди. То нафақа ёшига етгунга қадар ўқувчиларга меҳр билан сабоқ берди. У касбига садоқат ҳиссини ҳамма нарсадан ортиқ биларди. У ажойиб муаллима эди. Демак, ўз касби билан эл-юртга муносиб хизмат қила олди.

Онам собиқ иттифоқ тазйиқлари даврида ҳам иложий оламга ўз эътиқоди билан боғланиб яшади. Давраларда гўзал ҳикоятлар, ривоятлардан сўзлашдан ажиб руҳ олар эди. Бу эса унинг инсон сифатидаги ажойиб хислати эди.

Оилада эса бир бека, она сифатида ҳам таниган-билганлар учун ибрат бўла олади.

Онамнинг мен билган фазилатлари:

Онам қарғишни ёмон кўради. Болалигимизда қўшни аёлларнинг ўз фарзандларини қарғаган овози эшитилса, онам худди совуқ ҳавода узоқ вақт қолиб кетган каби жунжикиб кетарди. Бизни койиган, танбеҳ берган дамларида ҳам "уйингга буғдой тўлгур, бошинг омон бўлгур", деб койирди. Уларнинг койишида ҳам эзгу дуолари бор эди.

Онам қўли очиқ аёл. Қўшнилар нимаики сўраса, сўраганидан зиёд этиб берарди. Агар улар сўраган нарса уйимизда йўқ бўлса, бор бўла туриб бермаётган каби жиҳолат чекарди.

Онам ширинсуҳан аёл. Ҳаммани "сиз-сизлаб" гапиради. Ҳатто фарзандларини ҳам. Кўпол сўзларни эса ҳазил учун ҳам тилга олмайди. "Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам битта оғиздан чиқади. Ёмон сўзларни сўзлашга алоҳида, яхши сўзларни сўзлашга алоҳида оғиз яратилмаган. Тилимизни нозарур сўзлар билан нопок этмайлик", дейди улар. Катта-кичикка биринчи бўлиб салом беради.

Онам менинг бу сўзларимни ўқиса, ҳақиқатдан ҳам шу хислатлар соҳибаси бўла олдимми, дея камтарлик қилиши, илоҳим, муносиб этгил, дея дуо этиши аниқ. Мен эса уларнинг фазилатларига муносиб сўз ёза олмаганимдан хижолатдаман.

Онамни фарзандларининг тақдири кўпроқ қизиқтирар эди. Бизни илмли бўлишга муттасил даъват этар, рағбатлантирарди. Болаларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Бугун эса дуолари кенжа фарзандига кўпроқ қаратилган. Унинг толеъини кўрмоқ учун Тангри даргоҳига мунтазам дуо қилмоқда.

Онамнинг бир пушаймони бор. Одатда онам дарс ўтган кезлари синфхонада сув қуйгандек жимлик бўларди. У дарсни равон тушунтирар эди. Фақат тарбияси оғир ўқувчиларнинг юзига шапалоқ урган вақтлари бўлган экан. Пайғамбаримизнинг "Одамларнинг юзига уришдан сақланинг" дея буюрилган ҳадисларини ўқиганда кўп пушаймон бўлдилар. Мен эса, одамнинг нияти муҳим, сиз ўша ўқувчиларнинг келажакда яхши инсон бўлиши учун шундай қилгансиз, дея таскин бермоқчи бўлдим. Чунки "собиқ ўқувчилари" — ҳозирги кунда сочига оқ оралаган кишилар: ўшанда сиз бизни уриб-қойиб йўлга солмаганингизда бундай бахт топмас эдик, дейишади.

Бугун эса онам бир оиланинг парисига айланган. Чунки қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Сочлари ҳақ ва халқ хизматида оқарган аёл чиндан ҳам нуроний бўлади.

Сўзим ниҳоясида муқаддас битикларда буюрилгани каби онамни дуо қилиб қоламан.

Юлдузлар сонича соғинчим,
Ойдайин бедорман тунлари,
Ёқимли хаёли овунчим,
Тинч ўтдими онамнинг кунлари?!

Шомдан субҳгача тиззасин қучиб,
Фақат мен ҳақимда ўйлади онам.
Эртадан кечгача совуқ чой ичиб,
Топганини менга йўллади онам.

Дунёнинг тоғларин тилло этиб бер,
Онамдан қарзимни узайин, Раббим.
Меҳрдан бир дунё бунёд этиб бер,
Унда онам билан кезайин, Раббим.
Юлдузлар сонича соғинчим...

Гули ЗЕБО

Ўгит

МУҲАББАТ ЎРНИГА НАФРАТНИ ЭКМАНГ...

Аёлларга оид...

Қизини турмушга берадиган кишининг биринчи вазифаси бўлажак куёвнинг иймонини, амалини, ахлоқини, феълини билмоқдир. Чунки Ҳадиси шарифда: "Умматимдан менинг шафоатимни истаган киши қизини фосиққа бермасин", дейилган.

* * *

Бир аёл ароқ ичадиган эрига ўз розилиги билан итоат этса, Аллоҳ таоло бу хонадонга осмондаги юлдузларнинг саноғича гуноҳ ёзади. Ундан фарзанд бўлса, мурдор бўлади. Ибодат қабул бўлмайди. Магарки, у хотин тавба қилмоғи ёки эридан узоқлашмоғи керак.

* * *

Ўзини аёл кишига ўхшатган эркакни ва ўзини эркакка ўхшатган аёлни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам лаънатлагандирлар (Имом Бухорий Ибни Аббосдан ривоят қилинган).

* * *

Бир аёл бир фосиққа никоҳланишга розилик берса, Қиёмат куни қабридан турганида, манглайига: "Бу Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидсиздир", деб ёзилади...

* * *

Хотинларнинг яхшиси (хайрлиси) — эри унинг юзига қараган вақтида уни масрур (шод) қиладиган, бир нарсани буюрса, итоат этадиган, эри йўқ пайтида унинг молини, ўз нафсини, яъни номусини асрайдиган хотиндир.

Эркакларга оид...

Аёлга нисбатан ҳамиша чиройли феъл-атворли бўлмоқ лозим.

* * *

Қила олмайдиган, бажара олмайдиган ишларини ҳам қиламан деб айтиб, аёлнинг кўнглини кўтармоғи лозим. Чунки у уй ичида, бошқа нарсалардан умидсиз ва ёлғиз эригагина суянган дўсти, дарддоши, нон берувчиси, уни хурсанд қилгувчи жуфти, болаларини боқиб тарбия қилгувчи ва эҳтиёжларини қондиргувчи жуфти ҳалолидир.

* * *

Болаларни тарбия қилишда унга ёрдам бермоғи лозим. Чунки гўдак кечакундуз йиғлаб, онасига ҳеч ором бермайди. Шундай экан, аёлига қарашган, мадад берган кишига Аллоҳ таоло ёрдам беради.

* * *

Аёлини ҳеч урмаслиги керак. Дунё ишларидаги айбу камчиликлари учун аччиқ, кўпол гапирмаслик керак (чунки улар орасида бир-бирларига ҳасад қиладиганлари кўп. Бу жиҳатдан, айниқса, ёш оилалилар, янги уйланганлар ҳушёр бўлишлари, онаси, опаси ёки сингиллари ва бошқа аёллар жуфти ҳалолини туртки-лашларига алданмаслиги керак, бундай гапларни гапиришига имкон бермаслиги керак. Бундай сўзларга учиб, аёлини ранжитмоқдан жуда эҳтиёт бўлмоғи зарур).

Қутбиддин ИЗНИКИЙнинг "Муршиди Мутааҳҳилийн" китобидан олинди.

Паризодеки мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушларин ул ҳалқа мўлар бирла банд этмиш.
Алишер НАВОИЙ

Ҳафтада 6

Баҳс

ЎЗ ЮРТИДА АЖНАБИЙ...

Маълумки, ҳар қайси миллатнинг ўз удумлари, анъаналари бўлгани каби кийиниш маданияти ҳам бор. Сочлари майдалаб ўрилган, миллий либосларимизга нисбатан ҳурматини йўқотмаган ўзбек қизларимиз кишининг ҳавасини келтирибгина қолмай, балки ўз миллатига нисбатан меҳр ҳиссини ҳам уйғотади.

Назаримда, ўзбек қизлари камайиб кетаётганга ўхшайди. Ҳар гал кўчага чиққанимда уларни зимдан кидираман. Бир танишимнинг: "Шаҳарга чиқсам, ўзбек қизларини танимаяпман. Баъзи ажнабийларнинг ўзбекча гапираётганларини эшитиб, ҳайратдан қотиб қоламан. Кейин билсам, ўшалар ўзбек қизлари экан. Бугунги қизларимиз ўз ватанида туриб ҳам ажнабий бўлиб кетишаётганларини ҳеч ақлимга сиғдира олмаяпман", деганида ҳақли эди. Ёки баъзи ўқув даргоҳларидаги домлалар толиба қизларга нигоҳлари тушишидан ўзларини эҳтиёт қилиб дарс ўтишаркан. Негаки... улар ярим яланғоч...

Ҳа, булар — аччиқ ҳақиқат!

Айрим қизларимизнинг Оврупо маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиб, ўз миллий қиёфаларидан четга чиқиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзлигимизни жаҳон бўйлаб танитаётганимиз бир пайтда қизларимизнинг ярим яланғоч юриши одобданми? Булар етмагандек, оила дея аталмиш улуғ даргоҳга қадам қўяётган қизларнинг оқшом кечасида киядиган кийимини айтмайсизми? Тош қўғирчоқнинг ўзи-я! У кийим декарте деб номланиб, бугунги кунда кўпчилик турмуш қураётган қизларнинг ўлкан орзусига айланиб бораётгани кишига алам қилади. Ахир, уларни қандай қилиб миллий ифтихоримиз дея оламиз. Баъзи салонлар ўшанга ўхшаш кийимларни мантиққа тўғри келмайдиган жумлалар билан таърифлаб реклама қилаётганига нима дейсиз?! Таърифга диққат қилинг: "Шарқона иффат ва Ғарб жозибасининг уйғунлиги никоҳ кечангиздан бир умрлик ширин хотира бўлиб қолади". У либосни кийган келинчакда шарқона иффат қоладими? Мусулмон бир қизга Ғарб жозибасининг нима кераги бор? Шундоғам Ғарб маданияти уларнинг қон-қонига сингиб кетаётгани — миллатнинг йўқолиб кетаётганлигидан далолат бермайдими?

Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, уйланаётган қизига миллий либосларимиз ўрнига умуман ёт бўлган либосни кийдиради ёки шундай кийинишига розилик беради. Ахир, қайси овруполик ўз келинчагига бизнинг миллий либосларимизни кийдириб никоҳ оқшомига чиқаркан? Мода экан деб, ярашса-ярашмаса ҳам уларни кийиб олиб, салонларда юзу кўзларига ҳаддан зиёд бўёқларни чаплаб, сочларини минг хил турмакка солиб, елимлашлари билан масхарага қолаётганларини ўзлари билишмасмикан?

Тўй қилиш тараддудида бирини топиб, бирини топа олмай боши қотган ота-оналаримизнинг гарданига бу инжиқликларимизни ҳам юклашимиз — шуми уларга нисбатан ҳурматимиз, фарзандлик бурчимиз? Уйлаб кўринг-чи, булар миллий хусусиятларимизга тўғри келадими? Бундай яланғоч қиммат-баҳо кийим учун машҳур салонларга кириб, бир кунлик тўйга етса-етмаса 200-400 минг пулни совуриш, бу — одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетаётганимиздан далолат бермайдими? Ундан кўра миллийлигимиздан узоқлашмаган ҳолда ўзбек қизларига мос иболи, маъсумлардек бўлиб, бошқаларга ибрат бўлсак, бунинг нимаси ёмон? Бизларнинг ҳаё тўла кўзларимизни кўриб турган кекса онахонларимизнинг "ҳаёли, иболи, ҳақиқий ўзбек келинига ўхшабди", дея хурсанд бўлишиб, қалбдан қилган дуоларига нима етсин?! Ёки жажжи қизалоқларнинг "мен ҳам сиздек келин бўлай" деган ниятларига сабаб бўлсак, эрта бир кун ниятинг-йўлдошинг деганларидек, улар ҳам бизга ўхшаган латофатли келин бўлишса — шу эмасми, миллийлигимизни асраш дегани!

Ҳаммамиз ҳам болалигимизда эртакларни севиб ўқиганмиз, тинглаганмиз. Эртаклардаги доишманд маликаларга ҳавасимиз келган. Чунки улар ниҳоятда зукко, ақлли, билимли, покиза бўлишган. Майли, эртакларни қўя турайлик, Қодирийнинг Кумушбибию Раъноларига нима дейсиз? Чўлпоннинг Зайнабига-чи? Улардаги илмга, миллийлликка бўлган муҳаббатларини ўрганадиган замон келмадими? Ахир, зийнатларимизни қачонгача кўз-кўз қиламиз. Зоҳирий гўзаллигимизнинг муккасидан кетиб, маънан қашоқлашиб қолмаяпмизми? Баъзида оғзимиздан чиқаётган гап-сўзларимиздан атрофимиздаги эркаклар хижолат тортишмоқда. Қани, биздаги гўзал маданият? Қизлар шарм-ҳаёни ўз ўрнига қўймай, қанчалик яланғочлана бошласалар, шайтоннинг макрларига шунчалик учиб кетаверадилар.

Қизларжон, оқибатимизни ўйлаб, шарқона либосларимизга қайтайлик. Бизга билинмайди-ю, лекин четдан келаётганларда қандай тасаввур қолдиряпмиз экан?! Ахир, ўзбек қизи деган номга доғ туширишдан қўрқайлик. Қанчадан-қанча ўз иффатини сақлаган, шарм-ҳаёни ўзига дастур деб билган қизларимиз ҳам бор орамизда. Ҳеч бўлмаганда, уларнинг бизнинг касримизга тушиб қолмаслигини виждонимиз олдида ҳисоб-китоб қилайлик.

Саодат МИРЗОЙИТ қизи,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Гап либосдами?



Замонамнинг қизлари... Оламдаги бор ҳусну гўзаллик унда мужассам, малоҳату назокатда тенги йўқ, илму заковатда 10 эркакни мот қилган, хар соҳада илдам қизлар. Ҳозирги замон ўзбек қизларини мен айнан шундай тасаввур қиламан. Бугунги матбуотимиз саҳфаларида миллийлик масаласига бағишланган қатор мақолалар чоп этилмоқда. Уларнинг аксариятида қизларнинг кийиниши танқид остига олинган. Эслатиб ўтмоқчиманки, журналист ҳамма бўлаётган воқеаларга, аввалambор холис баҳо бериши керак. Шундай экан, улар ёритиб бераётган муаммонинг иккинчи тарафини кўришмаяптими ёки кўришни исташмаяптими? Гап шундаки, миллийлик ўз йўлига, лекин атлас кўйлак, лозимларда жамоат жойида юриш, менимча, бу маданиятли инсонга хос эмас. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ҳар бир раҳбар Бухоро зар чопонию Чуст дўпписида ўтирибди. Ахир, буни кўрган чет эллик-лар нима деб ўйлашади? Менимча, Ўзбекистон ривожланишдан тўхтаб қолибди, дейишади.

Мен юқоридаги фикрларим билан бизга миллийлик умуман керак эмас, демоқчи эмасман. Фақат миллий ва замонавий кийимлар ўз ўрнида кийилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган фикрдаман, холос.

Тенгдошларимнинг кийинишига аҳамият бериб, уларнинг камчиликларини ёзишни ўз бурчим деб билдим. Ҳар бир онгли инсоннинг ўз фикри, дунёқараши мавжуд. Муаммо қизларнинг тор шим, калта юбка ва очиқ кўйлак кийишида эмас. Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, қизларнинг модага муккасидан кетиши асл сабаб эканлигини англаб етамиз. Замонавий бўлиш учун айрим қизлар ўзлигини, маънавий қиёфасини йўқотиб қўйишади. Майли, қизлар хоҳлаганича кийинсин, фақат ўз қадди-қоматига ярашадиган кийим бўлса бас.

Биласизми, замон ўзгаради, мода ўзгаради, лекин ёшлигимиз қайтиб келмайди. Шунинг учун ҳар бир дақиқа ғанимат. Замонамнинг қизлари, келажакни бугундан ўз қўлимиз билан қура бошлайлик.

Феруза АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ Журналистика факультети 1 курс талабаси

Ривоят



ЭНГ БУЮК ҲАҚ СОҲИБИ

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз ҳикоя қиладилар. Ёшгина бир қиз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: "Менга совчилар кўп келмоқдалар, уйланишни истайдилар. Аммо мен турмуш қуриш хусусида ҳеч нарсани билмайман. Турмушга чиққан қиз эрига қандай хизматда бўлиши лозим, қандай вазифаларни адо этмоғи керак? Токи турмуш қурган қиз дунё ва охират саодатига етиш йўлига кирсин", деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хотин учун энг буюк ҳақ соҳиби эридир. Хотин қанча хизмат қила олса қилсин, аммо эрининг ҳаққини ҳеч вақт ўтай олмайдур", деб буюрдилар.

Ёш қиз: "Ё Расулуллоҳ, у ҳолда мен турмушга чиқмайинми? Бунчалик хизмат ва вазифаларни ўрнига қўя олармиканман?" деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен турмуш қур. Чунки турмуш қурмоқ хайрлидир. Лекин эр ҳурматини ўрнига қўймоқ хусусида кўп диққат қилиниши зарур..." деб буюрдилар.

Таассуф

Бозордаги... «доришунос»лар

Шўрчида улар фаолияти қачон тартибга солинади?

"... Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларини бузиш фактларига, шунингдек, уларни дорихона муассасаларидан ташқарида – бозорларда, кўчаларда, жамоат жойларида ва уйларда сотиш ҳолларига қатъий чек қўйсинлар. Дори-дармонлар сотишда белгиланган қоидаларга риоя қилмаётган шахслар қатъий жавобгарликка, шу жумладан, жиноий жавобгарликка тортилсин..."

Ушбу кўчирмаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада доридармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги (1994 йил 14 июл) Фармонидан айнан келтирдик. Гап шундаки, Фармон ва ундан кейин қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан республикамизда дори-дармон воситалари билан савдо қилишнинг (мулкий кўринишидан қатъий назар) ягона тартиби амал қилмоқда. Натижада, биринчидан, бозор, кўчакўй, умуман, тўғри келган жойда дори-дармон савдосининг ибтидоий кўринишларига барҳам берилди; иккинчидан, эндиликда харидор олаётган маҳсулот сифатидаги нуқсонлар учун кимга ва қаерга мурожаат қилишини аниқ билади.

Аммо гуруч ҳар доим ҳам курмаксив бўлавермас экан-да. Мана, масалан, Шўрчи туманидаги деҳқон бозорига кирсангиз, бу ерда ҳозир ҳам доридармон сотишдаги ягона тартибларни бузиш ҳолатларига дуч келасиз. Бозорга киришингиз биланоқ ўнг томондаги расталарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун мўлжаллаб қурилган бир хонали дўконлар дорихоналарга айлантирилган. Мазкур "дорихоналар"даги дори-дармон воситалари билан савдо қилиш учун талаб қилинадиган мажбурий шарт-шароитларнинг (бино саҳнининг талаб қилинган меъёрда эмаслиги, совутқич, алоҳида сақланадиган дори-дармонлар учун махсус жой, касса-ҳисоблаш машинаси, ичимлик суви нуқтасининг умуман йўқлиги ва бошқа қатор нуқсонлар) талабга жавоб бермаслигини айтмай қўяқолайлик, аммо бир неча бор бу хусусда танқидий чиқишлар бўлгани ҳолда пиёдалар учун мўлжалланган йўлакларда ва пешайвонларда очиқ ҳолда дори-дармон билан савдо қилишни қандай тушунмоқ керак?

Дарвоқе, "танқидий чиқишлар" хусусида бежиз эслатмаяпман. Гап шундаки, Шўрчи бозорида дори-дармон сотиш ҳолатлари хусусида аввал ҳам маҳаллий ва марказий матбуотда бир неча бор танқидий фикрлар айтилган. Жумладан, яқинда "Инсон ва қонун" газетасида журналист С. Едиковнинг "Дорихонами, дўкон?" сарлавҳали фельетони эълон қилинганди (изоҳ учун айтиб ўтиш жоизки, ўша фельетонни тайёрлаш жараёнидаги журналист суриштирувида мазкур сатрлар муаллифи ҳам иштирок этганди — Д. О.). Танқиддан сўнг "дорихона"лар бирмунча тафтиш қилинган, фаолият тўхтатилгандек бўлди. Аммо бугунги кунда аҳвол яна ўша-ўша...

Шўрчи бозоридаги ҳолат бўйича тегишли идоралар чора кўришмаяпти, деб бўлмайди. Аммо қўлланилаётган чора-тадбирлар таъсири айтарли сезилмаяпти, дейиш мумкин. Гап инсон саломатлиги, унинг ҳаёти учун зарур бўлган бирламчи воситалар савдоси ҳақида кетар экан, бу соҳадаги ишларни тартибга солишда солиқ, ички ишлар ва бошқа тегишли идоралар вакилларининг саъй-ҳаракатлари камлик қилади чоғи. Фикримизча, бунинг учун аввало ўша "қўлбола" дорихоналар мутасаддиларининг ўз вазифаларига масъулият ҳиссини англаб етишлари кўпроқ вазиятни ижобий томонга буриши мумкин. Аммо шу ўринда яна бир савол туғилади: амалдаги тартибга риоя қилишни истамаётган дорихона мутасаддиларининг ўзлари аслида профессионал доришунослармикин ёки шунчаки оддий газлама ёки хўжалик моллари билан савдо қилувчи тадбиркорлар тоифасиданми? Агар улар ҳақиқатан ҳам мутахассис-доришунос бўлишса, унда нега ўз вазифалари нечоғли масъулиятли ва инсон ҳаёти учун жавобгарликка дахлдор эканлигини ҳис қилмайдилар?

Ҳа, саволлар кўп, аммо уларга жавоб топилмаяпти. Акс ҳолда Шўрчи деҳқон бозоридаги ноқонуний дори-дармон савдосига аллақачон барҳам берилган бўларди. Ўзларини эл саломатлиги йўлида хизмат қиляпман, деб ўйлаётган мазкур дорихоналар раҳбарлари кунига минглаб бозорчилар оёғи остидан кўтарилаётган қуюқ чанг-тўзон остига, очиқ жойга дори-дармон ва тиббий воситаларни чиқаришдан олдин бу ишлари алал-оқибат инсоннинг дарддан фориғ этиш эмас, аксинча, унга қутилмаган ташвиш келтириши, ҳатто инсон ҳаётига чанг солиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Ахир, қачондир, албатта, кўза синиб қайтишини кутиб яшаш, бошқачароқ айтганда, бу тартибузарликлар оқибатида кимнингдир ҳаёти хавф остида қолгандан кейингина амалдаги қонунлар асосида айбдорни жавобгарликка тортишни кутиш шартмикан?

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳуррият" мухбири Сурхондарё вилояти

Танқид

Имтиёз хўжакўрсингами...

ёхуд нега савобдан жиғилдонни афзал кўрамиз?

Кўп қаватли уйлардан бирида яшайман. Маҳалламиз кўркам даҳалардан бирида жойлашган. Очиқроқ айтадиган бўлсам, менга ўхшаш ногиронлар, ёлғизлар давлатимиз томонидан ҳимояга олинган бўлиб, имтиёзлар ҳам берилган. Ҳаммага уйнинг ичкарисидаги сантехника ишлари пулли бўлса, бизларга текинга бажариладиган қилиб қўйишган. Шахсан менинг бундай меҳрибонликдан бошим кўкда, миннатдорман. Лекин бешқўл баробар бўлмаганидек, ширкат хизматчилари орасида қандайдир иш билан диспетчер томонидан чақирув қоғози уларнинг қўлига топширилганда текинлиги билиниб қолса борми, "Мушук текинга офтобга чиқарканми", дея вақтида келавермайдиган "жонкуярлари" ҳам бор бўлиб, ногиронларга нисбатан эътиборсизлик кўзга ташланиб қоляпти.

Нега шундай бўляпти? Маълум бўлишича, ўша уй ичкарисида бажариладиган ишлар учун мўмайгина олинадиган пул сантехникларнинг чўнтагига тушар экан. Бояқиш маош олмай мана шу пул эвазига оила тебратса керак-да десам, аслида ундай эмас экан, ҳамма қатори маош ҳам олар эканлар. Бу борада яна бир гап қулоққа чалиндики, кимдир маҳалла фаолларидан бирлари "сантехниклар оладиган хизмат ҳақи ҳужжатлаштирилиб, банкка ширкат ҳисобига топширилса-ю, сантехникнинг кўнгли оғримаслиги учун маошига қилинган ишига қараб устама ҳақ қўшиб берилса", деса, бунга бош қўшиб маъқулловчилар топилмас эмиш. Ҳаттоки шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасидагилар ҳам бу ишлар маҳаллада ширкат билан келишилгани ҳолда амалга оширилиши керак, дермишлар.

Ўйлаб қараганда ана шундай иш тутиш ширкат учун фойдали эмасми? Ахир, ширкатнинг чўнтаги қаппайиб, бақувват бўла туриб, уйлардаги камчиликларнинг вақтида олди олинишида қулай имконият бўлмасмиди?

Тан олиш керакки, шу ўринда юртдошларимиз орасида бундай ишлар қайси маҳаллаю ширкатда содир бўлган экан, нега очиқроқ сўз юритилмабди, дегувчилар бўлиши аниқ. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, "Менинг кўнглимдаги сўзлар айтилибдими" дегувчилар кўпчиликни ташкил қилиб, бу сўзлар ортида ўз ширкатларини кўришларига ишонаман.

Шаҳримиз туманларида ўзи ҳаракатланолмай, ногиронлар аравачасида юрадиган бир ногирон бўлиб, у одам ўта инсонпарвар, элим деб ёнадиган тадбиркор, бир марказнинг раҳбаридир. Шу ногирон бир хонали уйда туриб, "Биз идиш-товоқларни ваннахонада ювиб, ўша ердан сув олиб ишлатамиз", деди. Ошхонасидаги раковина ишламас экан. Бечора тузатишга етарли пул тополмайди, текин хизмат кўрсатиш учун бўлса...

Давлат ҳимоясида бўлган I гуруҳ ногиронларига керак бўлган пайтда пайсалга солмай ёрдам қўли узатилиб, айтилганидек текин хизмат кўрсатилса, бунинг савобига нима етсин...

Бизнинг хонадонда иситиш тармоғидаги қувур уч жойидан тешилиб, резина ўраб сим билан боғлаб қўйилгани бўйича уч қишни ўтказиб, шукрлар бўлсинки, яқинда қайта-қайта эслатавериш натижасида пайванд қилиниб, резиналар олиб ташланди. Энди эса ошхонамизда иссиқ сув кранининг "кранбукса" аталган қисми "ишдан чиқибди". Тўрт кун бўлади, иссиқ сув умумий крандан беркитиб қўйилиб, сантехник келишини кутяпмиз...

Ўзига тўқроқ қўшниларимизникида оқавалар қувурига нимадир тиқилиб қолиб, энг кўнгилсиз иш содир бўлиб, хожатхонадан ифлос сув тошиб чиқа бошлади. Сантехниклар бундай пайтларда оғзига сиққанини сўрайверар эканми, (бундай ишларда тахминий бўлса-да прейскурант йўқ-да) ярим соат ишлар-ишламас қувурдан сув оқаваси равон кетадиган қилиниб, нақд 5 минг сўмни олиб кетишибди.

Ишлар шу йўсин кетаверса, ногиронларга эътибор ўз ўрнида бўлмаса, улар хонадонидаги қилинадиган ишларнинг ўз вақтида бажарилишидан умидвор бўлиш... Яна ким билади дейсиз...

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
I гуруҳ ҳарбий хизмат ногирони, Меҳнат фахрийси


Mustaqil gazeta HURRIYAT

Назм

Буюкликка тимсолдир тоқат

Соғиндим Она

Олисдаман. Зору интизор
Йўлларимда ўлтирар Онам.
Соғинчлардан маъюс чеҳраси,
Кўзлари ёш — мўлтирар Онам.
Билмайди у, қачон, қай соат
Қучоғига қайтар болажон?
Буюкликка тимсолдир тоқат,
Буюгимсан ўзинг, Онажон.
Бола бўлиб ўксидим, Она,
Ёшлик йиллар... ювошлик йиллар.
Исёнкор қалб, оқибат, мана
Олислардан кўрсатди йўллар.
Ўзинг орзу қилардинг бир пайт:
"Ўғлоним эл шоири бўлсин.
Эл йиғласа, йиғласин у ҳам,
Эл қувонса, қувонсин, кулсин".
Онагинам, кўпни ўйладинг,
Кўп қатори юрсин, деб болам.
Орзу-армонингни сўйладинг,
Қаторингда норинг бор Онам.
Эй мунисим, сенчалик ҳеч ким
Соғинмайди мени дунёда.
Боланг бўлиб мен ҳам соғиндим,
Довон ошиб борай пиёда.



Йиллар оша зору интизор,
Йўлларимда ўлтирар Онам.
Соғинчлардан маъюс чеҳраси,
Кўзлари ёш — мўлтирар Онам.

Кўрганим пардозмиди

(халқ йўлида)

Баҳормиди, ёзмиди
Ўрдакмиди, ғозмиди,
Нома ёзсам, сўзимга
Жавоб оқ қоғозмиди?
Бўлдими ё ҳангома
Бизнинг ёзган дилнома.
Гумоним бор кўзимга,
Кўрганим пардозмиди?
Дил, дилгинам дилбари
Сулувмиди, сув пари.
Келолмасман ўзимга,
Кўрмаганим созмиди?
Ҳай-ҳай, дарё, аста оқ,
Дилим ёрга кўп муштоқ.
Қайтар бўлдим изимга,
Ё ўтсам саёзмиди?
Кўнгил бермоқ ор бўлди,
Ё бошқаси бор бўлди.
Айтсин келиб юзимга,
Ё баланд парвозмиди?
Менсиз қайга кетади,
Қай манзилга етади.
Бир кун келар тўзимга,
Кутганларим озмиди?
Баҳормиди, ёзмиди,
Ишқми, ишқибозмиди?
Соҳибжон, дил сўзимга
Жоним ишқи бозмиди?!

У ва МЕН

Қиёфаси бунчалар жиддий,
Елкасида салобат тоғи.
Кўринаман шунчалар оддий,
Қўлимда гул шохлаб кетибди,
Босилмабди қўлим титроғи.
Сокинликда суронлари бор,
Вазминликда қадам салмоғи.
Кўзларида бўронлари бор,
Ибтидо
Қандай яратибди?!
Мен қайси дарахт япроғи?!
Борлиғи ҳам тунники эмас,
Йўлларида маёқ — чақмоғи.
Мақсади бу кунники эмас,
Нигоҳин
Интиҳо қаратибди.
Дунёсига йўқдир боқмоғи.
У минг йилликларда яшайди,
Фурсати тўхтамас шошмоғи,
Менинг эса юрагим — дайди,
У — ўшами билан кетибди.
Умримнинг эса...
Эҳ, умримнинг
Дуввор
Мангулик довонидан ошмоғи...

СОҲИБЖОН

Аҳвол

НИМАНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛЯПСИЗ?

Инсон учун унинг саломатлиги барча бойликлардан устун туради. Донолардан бири шундай деган экан: "Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир".

Хўш, биз ўз саломатлигимизга қай даражада аҳамият беряпмиз? Уни кўз қорачиғидек асраяпмизми?

Баъзан кўз илғамаган, биз парво қилмаган омиллар ҳам инсон саломатлигига путур етказади. Мен экологик вазиятни спиртли ичимликлар ичишни ёки реклама қилинаётган сигаретларни чекиб "роҳатланиш"ни назарда тутаётганим йўқ. Албатта, юқорида санаб ўтганларим соғлиқнинг энг ашаддий душманларидир. Аммо сўз юритмоқчи бўлганим бошқа бир ҳолат, яъни кўпчилигимиз эътибор бермайдиган, лекин соғлиққа зарар келтирувчи яна бир омил хусусидадир.

Ҳеч аҳамият берганмисиз, метро бекатларидан чиқаверишда (асосан "Амир Темур хиёбони" ва "Чилонзор" метро бекатларида) бир неча аёллар булочка ва яна бошқа егуликлар сотиб ўтирадилар. Қорни оч одам, албатта, бу егуликни сотиб олади. Мен сотувчиларнинг қанча фойда олишлари эмас, балки мана шу егуликларнинг соғлиққа нечоғлиқ зарари тегиши мумкинлиги ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳар сафар "булочкачи"ларнинг ёнидан ўтганимда бир ҳолатга гувоҳ бўламан: сотувчилар егуликнинг устига бирон нарса ёпмай, очиқ ҳолда сотишади. Метро бекатларига эса бир кунда неча минг киши келиб кетиши сизу бизга сир эмас. Энди тасаввур қилинг, ҳар бир кишининг қадамидан кўтарилган чанг ана шу усти очиқ булочкаларга қўнади. Натижада уни олган инсон (аксарият ёш болалар) хасталаниб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Халқимизда "Касал бўлгандан унинг олдини олган афзал", деган нақл бор. Мен "булочкалар сотилмасин", деган фикрдан йироқман. Фақатгина егулик сотувчиларга ҳам баъзи шароитлар яратиб берилса (ҳеч бўлмаганда егуликлар устини бирор нарса билан ёпиб ўтиришса), нур устига аъло нур бўларди.

Саида ҚОРАБОЕВА,
ЎзМУ Журналистика факультети талабаси

Ёднома

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ:

«Кулинг, дўстлар, кулинг!»

Дарахт меваси
билан ерга эгилди,
Одам зиёси билан
нурга кўмилди.
Давр нодонлари
кўпайган билан,
Инжу баҳоси билан
ипга терилди!

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бир келди-ю бир кетди. Раҳматликнинг икки жаҳони нурга тўлсин, обод бўлсин. Аслида бўладиган бола ёшлигиданоқ ниш уриб, кўкариб ўзини кўрсатиб қўяркан. 8 ёшида устоз авлиё одамлар назоратидан ўтиб, дуо олганлиги ҳақида айтиб ўтиш лозим.

Отаси Шокиржон тандирчи устанинг кўхна Марғилоннинг тандир бозорида дўкони бўлар эди. Лойдан отабола тепишиб, тандир ясашар эди. Кунларнинг бирида дўконларида икки мўйсафид одам тўхтаб қолишди. Шокиржон ака ўғли Юсуфжонга: «Меҳмонлар келишди, ичкаридан чой дамлаб чиқ, ўғлим», дебдилар. Чой қайнаб турган экан, оналари чой дамлаб, дастурхон тузаб берибди. Юсуфжон бола эмасми, шошилиб юриб кетаётиб, қоқилиб кетибди. Чойнак ерга тушиб синиб кетибди. Юсуфжон дадасидан ҳайиқиб, отам энди мени роса дўппослайди, деб қўрқиб қаторлашиб турган тандирнинг ичига тушиб, бўй-бастини кўрсатмай беркиниб тураверибди. Отаси ана чой чиқиб қолар, мана дастурхон чиқар, деб кутиб, меҳмонларнинг олдида хижолат чекиб, ўзи уйга кириб хотинига:

– Ўғлингизни чойга буюрувдим, қани Юсуфжон? — дебди.

– Боя чой дамлаб, дастурхон билан берувдим, олиб чиқиб кетувди-ку!

– Эй, шунақами? – деб отаси ўғлини чақирибди.

– Ҳа, — деб тандир ичидан овоз берибди Юсуфжон. Отаси тандир ичидан ўғлини чақириб, меҳмонлар олдига етаклаб олиб чиқибди.

– Чой қани? – деб сўрабди.

– Чойми, чойнак ерга тушиб кетиб жон берди, — деса меҳмонлар кулиб юборишиб, қўлларини дуога очиб шундай деган эканлар: «Илоҳо омин, ўғлингиз дунё таниган қизиқчи бўлиб, одамларни ҳамиша кулдириб ўтсин!»

Ҳа, устоз айтганларидек, дуо таъбир олиб, 91 ёшгача инсон зотини кулдириб ўтди, 6 та хон, амир, ҳукумат раҳбарларини кулдириб ўтди. Қанчадан-қанча элу юртларга кулги сочди, инсонлар баҳри дилини очди.

Оддий тандирчи оиласида дунёга келган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов Россия шаҳарларини кезди, Шарқ мамлакатларида бўлди. 1037, 1951 ва 1959 йилларда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаларида иштирок этди. Шон-шуҳрат қозонди. Биринчи ўзбек саҳнаси – театр пойдеворига тамал тошини қўйганлардан бири бўлди. Марғилонда яшаб, ижод этди. 13 ёшли Тамарахонимга рақс, лапарлар айтиш санъатини ўргатди.

1958 йил 27 сентябрда устоз Юсуфжон қизиқ Шакаржонов таваллуд топган кунининг 90 йиллиги бутун Туркистон элида тантанавор нишонланди. 91 ёшида (1959 йили) Юсуфжон қизиқ шаҳарнинг гавжум бозорларининг бирида жон таслим этди.

Устознинг туғилган кунига 130 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган юбилей тантаналарини нишонлаш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан махсус қарорлар эълон қилинди. Марғилон шаҳрининг Маданият ва истироҳат боғида нишонланган юбилей кечасига республикамизнинг турли вилоятлари, шаҳар, туманларидан унинг шогирдлари, шинавандаларидан кўплари ташриф буюрдилар, саҳнада қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтди. Олий соврин учун бўлган қизғин беллашувни кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати кузатиб бордилар.

Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон қизиқ Шакаржонов халқимиз қалбида абадий яшайди.

Иншооллоҳ, устознинг васиятига айланиб қолган "Кулинг, дўстлар, кулинг!" қўшиғи билан лавҳамизни ниҳоясига етказамиз:

Кулинг, дўстлар, кулинг!
Омад келса, боқинг,
кўкка қанот қоқинг.
Дарё бўлиб оқинг,
дўстга кулиб ёқинг.
Кулинг, дўстлар, кулинг!
Кулинг, дўстлар, кулинг!
Дарди борлар кулмас,
қарзи борлар кулмас,
Арзи борлар кулмас,
зарда борлар кулмас.
Кулинг, дўстлар, кулинг!
Кулинг, дўстлар, кулинг!
Қаҳ-қаҳ уриб кулинг,
хандон отиб кулинг,
Чеҳра очиб кулинг,
дам ғанимат кулинг.
Кулинг, дўстлар, кулинг!
Кулинг, дўстлар, кулинг!

Ҳамид УСМОН,
адиб, меҳнат фахрийси
Марғилон шаҳри

Тафаккур

Қорин катталашган сари бош кичрайиб боради

Ҳаёт биз вояга етадиган бешикдир. Гўдак юзини тирнаб олмаслиги, устини булғамаслиги учун бешикда унинг қўл-оёқларини боғлаб қўядилар. Ҳаётда ҳам турли хил қонун ва мажбуриятлар билан боғланганмиз. Қўлимизни бўш қўйишганда нималар қилмасдик?!

* * *

Ҳар бир кишининг вужудида маълум даражада Гулливер яшайди. Буюклар қаршисида ўзимизнинг нақадар кичкиналигимизни, "майда" одамлар ёнида эса қанчалар улканлигимизни ҳис этамиз.

* * *

Одамларнинг нуқсонларидан кўра уларнинг фазилатларини кўпроқ кўра билган одам ҳаётда кўп дўст орттиради.

* * *

Йўлбарс териси остида ҳам қуёнюракни яшириш қийин.

* * *

Баъзилар ватанпарварликни "ва... танпарварлик" деб тушунадилар.

* * *

Умр ҳам пулга ўхшайди: кўплигида аямай сарфлайсан, камайган сари эса "хасислашиб" борасан.

* * *

Мақтанчоқлик ёмон, лекин мақтанадиган нарсанг бўлмаса, ундан ҳам ёмон.

* * *

Умр бамисоли бир учқун. Аммо шу учқун билан ҳам ёмонликни ёндириш, зулматларни ёритиш мумкин.

* * *

Гўзал аёллар тасвирий санъат асарига ўхшайди. Уларни узоқроқдан томоша қилган маъқул.

* * *

Ўз она тилини ҳурмат қилмаган одам ҳеч қандай ҳурматга лойиқ эмас.

* * *

Денгиз соҳилидаги тошларга эътибор берганмисиз? Бирорта ҳам қиррали, учли тошни тополмайсиз. Тўлқинларнинг тўхтовсиз ҳамласи уларни силлиқлаб юборади. Ҳаётда ҳам кўпинча ана шундай ҳоллар рўй беради. Аввалига биз ўзлигимизни кўрсатишга, ўз қирраларимизни намоён этишга, ниманидир ўзгартиришга интиламиз. Қалбимизда исёнкор туйғулар жўш уради. Аммо ҳаёт тўлқинлари бизни тез-да силлиқлаб, оломонга қўшиб юборганини сезмай қоламиз.

* * *

Бебаҳо китобларни тўплаб, ундан фойдаланмаган, бошқаларни ҳам бахраманд этмаган одамнинг хазинани қўриқловчи аждарҳодан фарқи кам.

* * *

Инсон вужудида шундай мувозанат бор: нафс йўли очилганда ақлнинг йўли беркилади.

* * *

Буюкликдан тубанликка бир қадам, аммо тубанликдан буюкликка қадар ақл бовар қилмас, ўлчаш қийин бўлган масофа бор.

* * *

Ёмон гап тоғдан думалаган тошга ўхшайди. У ҳалокатли кўчкиларни қўзғаши мумкин.

* * *

Инсон учун ўзидан кўра бошқаларни айблаш осонроқ. Ўз бахтсизлигимиз ва омадсизлигимиз учун ҳам кўпроқ бошқаларни айблаймиз. Ваҳоланки, бош сабабчи ўзимиз ва ўз қилмишимиздир.

* * *

Назаримда, одамлар уч тоифага бўлинадилар: юрак билан яшовчилар, ақл билан яшовчилар ва нафс билан яшовчилар.

Биринчи тоифа одамлар ҳаётда кўпроқ озор чекадилар. Чунки ҳаёт машаққатларию турмуш зарбалари уларнинг нозик қалбларида беҳисоб чандиқлар қолдиради.

Иккинчи тоифа одамлар ҳаёт моҳиятини чуқур мушоҳада этганликлари боис барча қийинчиликларни сабот ва ирода билан енгиб ўтадилар.

Учинчи тоифа одамлар учун яшаш жуда қулай. Чунки қоринлари тўйган кун улар учун байрам.

* * *

Нимани ёзишни билиш ҳали маҳоратдан дарак бермайди. Нимани ёзмасликни ҳам билиш керак.

* * *

Кўчирмаларга суяниш керак. Афсуски, баъзилар унинг устида ётиб оладилар.

* * *

Қорин катталашган сари бош кичрайиб боради.

Носир МУҲАММАДнинг
«Тафакур учқунлари»
китобидан

Руҳият

Нега авлиё йўқ?

Каттагина бир муассасада тасаввуфга дахлдор мавзуда маъруза қилаётгандим, ўрни келганда ана шу илм шарофати билан Яратганнинг хос бандаларига айланган боболаримизнинг номларини тилга олдим: Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд...

Шунда залдан савол тушди:

– Домла, ўтмишда авлиёлар кўп бўлган экан, нега ҳозир "фалон ерда авлиё чиқибди" деган гапни эшитмаймиз?

Ғоят ўринли бу савол! Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришларича, бир шаҳарнинг ўзида бир неча валийуллоҳ яшаган даврлар бўлган. Аллоҳнинг дўстлари охират масалаларидан ташқари дунёвий ишларда ҳам авоммунносга – оддий инсонларга ёрдам қўлини чўзганлар: қурғоқчилик пайтларида Худодан ёмғир тилаб берганлар, нене бегуноҳларни ўз кароматлари ила дору зиндондан қутқарганлар ва ҳоказо.

Агар аҳоли сонига нисбатан бериладиган бўлса, айни ҳозирги даврда валийуллоҳлар неча чандон кўп чиқиши керак эди. Лекин биз бунинг аксини кўряпмиз. Эҳтимол, риёзат чекиб юқори мақомларга эришган замондошларимиз талайгинадир. Лекин, айтайлик, ҳазрати Нақшбанд бобомиз янглиғ очиқ кароматлар кўрсатган бирон-бир зотни кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Нега шундай? Мен бу ҳақда кўп ўйлаб, ўзимча бир хулосага келиб ҳам қўйган эдим. Аммо ҳозир бу хулосамни айтиб ўтирмадим-да, залга савол ташладим:

– Ҳазрати Умарни биласизларми?

– Биламиз! – чувиллашди залдагилар. – Халифа бўлганлар!

– Тўғри! – тасдиқладим мен. – Энди ана шу халифатур-рошийд ҳаётидан бир воқеани сизларга айтиб бераман, эшитиб, балки бояги саволга жавобни ўзларингиз топарсизлар...

Ва тарих китобларига муҳрланиб қолган қуйидаги ривоятни сўзлаб бердим.

Ҳазрати Умарнинг дўстларидан бири ул зоти муборакнинг зиёратларини ихтиёр айлаб, уйларига борибди. Ҳазрати Умар шам ёруғида нималарнидир ёзиб ўтирган эканлар. Меҳмон билан ҳолаҳвол сўрашгач, шамни ўчириб, бошқа бир шамни ёқиб, дилар. Шунда меҳмон ҳайрон бўлиб:

– Ё, Амир-ул-муслимин, ахир, бу шам ёниб тугагани йўқ-ку, нега ўзга шамни ёқдингиз? – деб сўрабди.

Бу саволга халифат уз-замон мана бундай жавоб қайтарибдилар:

– Эй, биродар, Сиз келган чоғингизда саройдан олиб келганим шамни ёқиб, давлат ҳужжатларини ёзиб ўтирган эдим. Энди сиз билан бир дўст сифатида шахсий суҳбат қураман. Шахсий суҳбат чоғида давлатнинг шамини ёқиб қўйсам, қиёматда Парвардигоримга не деб жавоб берурман?!

Ривоятни тугатдим-у, залга мурожаат қилдим:

– Орангизда Ҳазрати Умарга ўхшаб кўпнинг ҳақидан ҳазар қиладиганлар, масалан, айтайлик, шахсий машинасига давлат бензинини қуймайдиганлар борми?! Ё бўлмаса...

Гапимни давом эттиролмадим – залдагилар шов-шув қилиб юборишди:

– Бўлди, домла, тушундик!

– О...

– Биздан қандай қилиб ҳам авлиё чиқсин?!


– Оғир масала экан!

Ўзларининг "авлиёликка номзод" бўла олмасликларини очиқ эътироф этаётган биродарларимга қараб ўйга толдим. Ҳа, бир умр тўғри яшаш, неча ўн йиллар давомида фақат луқмаи ҳалол билан таомланиб, бола-чақани ҳам фақат ҳалол ризқ билан боқиш осон иш эмас! Аммо боболаримиз ана шу мушкул ишнинг уддасидан чиққан эдилар, шунинг учун юқори мақомларга кўтарила олгандилар. Зеро, рўйи заминнинг не бир жойларидан не бир инсонлар келиб хонақоюо мақбараларини зиёрат айлаётганлари бежиз эмас! Аммо етмиш йиллик даҳрийлик тузуми бизни "бошқачароқ" қилиб қўйди. Бунда "атеистик пропаганда авангарди" ҳисобланган биз, журналистларнинг айбимиз ғоят катта. Бозордагилар тарозидан ураётган экан – бунда ҳам, аёлларнинг оғзидан эркак киши эшитса шолғомдек қизарадиган беҳаё сўзлар чиқса – бунда ҳам, мансабдор бир бечорани зор қақшатса – бунда ҳам қалам аҳлининг билвосита "ҳиссаси" бор. Зеро, буларнинг ҳаммаси "худо йўқ, қўрқмай хоҳлаганингни қилавер" қабилида ёзилган "асарлар"нинг маҳсулидир...

Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қилмишлар: "Бир ёмон иш қилсангиз, ортидан бир солиҳ амални қилингким, бунисининг савоби унисининг гуноҳини ювиб кетсин!" Шу ҳадисга амал қилиб, истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, энди фақат эзгуликка чорловчи асарлар ёзишимиз шарт!

Камина ҳам муборак Рамазон ойида маърифий-ахлоқий мавзуда илкимдан келганича бир неча мақола ёзишни қасд айладим. Уларда бир дўстимизнинг "Нега ҳозир авлиё йўқ?" деган соддагина саволи замирига яширинган масалалар хусусида фикр юритилур, иншооллоҳ!

Абдулмухтор
МУҲАММАДНОСИР



Шоирлар фасли куз ҳам ортда қолди...
Энди буёғи кумуш қиш!

Шавкат ЗУФАРОВ олган сурат.

КИТОБ — ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Китоб – офтоб. Заминни, она табиатни қуёш иситса, одам қалбини китоб илитади, нафақат илитади, балки ёритади, нурлантиради. Китобга энг қисқа таъриф бериш жоиз бўлса, уни маънавият қуёши деб таърифлаш ўринлидир. Яъни, қуёш бўлмаса оламнинг, табиатнинг, ҳаттоки ҳаётнинг бўлиши шубҳа остида қолганидек, китоб бўлмаса, маънавиятнинг ривожланиши ҳам мавҳум бир фикр бўлиб қолаверади.

Кенгроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, миллат баркамоллиги, Ватан тараққиёти элнинг китобхонлик даражасига, яъни ўқимишлилигига боғлиқ. Истиқлолдан сўнг мустақил мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита эътибори туфайли соғлом авлод тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ҳам бу борада кўп ишлар бажарилди. Меҳнат жамоаларида спорт-соғломлаштириш иншоотлари, теннис майдончалари барпо этилди. Бироқ соғлом авлод деганда фақатгина жисмонан бақувват инсоннигина тушуниш масалага бирёқлама ёндошиш бўлур эди. Авлод баркамоллиги унинг маънавий камолотига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ана шуни назарда тутсак, ўшандай бинолар ёнида китоб дўконлари, кутубхоналар ва ўқув хоналари ҳам қад ростласа, нур устига аъло нур.

Туғилган кунларни нишонлаш ҳам яхши анъаналардан бири. Бундай кунларга, албатта, совға-салом билан борилади. Ана шу совғалар қаторида, масалан, болаларга, нафақат болаларга, катталарга ҳам китоблар совға қилинса, яхши самара беришини ҳаёт тажрибалари исботлаб турибди.

Грузинларда ҳар бир хонадонда Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" асари бўлиши удумга айланган. Бу аввало китобга, иккинчидан ёш авлодни қаҳрамонлик, фидойилик руҳида тарбиялашга эътибордан бўлса керак. Бизда ҳам, масалан, "Алпомиш" сингари, "Амир Темур тузуклари" каби китоблар ҳар бир хонадонда туриши анъанага айланса, чиройли бўлмайдими?

Абдусамад МЕҲМОНОВ,
ЎзМУ Журналистика факультети талабаси

Увол

Писта ўралган «Ўткан кунлар»

Ҳар бир инсон дунёда мақсад билан яшайди. Ҳаёти давомида изланиб, ўзига ёққан касб йўналиши бўйича изланади. Биров иқтисодчи, муҳандис, яна биров эса тил ўрганай, дейди. Қандай соҳада шуғулланмайлик, биз учун азиз китобдан фойдаланамиз. Илм излаб бормаган кутубхонаю таълим марказлари қолмаса керак. Кундалик турмушимизда шахримизнинг деярли барча жойларида, транспорт воситаларида юрар эканмиз, кўзимиз китоб кўтарган ёшларга тушади. Албатта, бу ижобий ва қувонарли ҳолдир. Яна шундай вазиятларга дуч келамизки, юрагингиз орқага тортади. Кўча-кўйда, аксарият шахобчаларда ўтириб, оддий бир писта учун китобларимизнинг шафқатсизларча йиртиб йўқотилиши ҳар бир китобхон учун ачинарлидир. Ахир, китоб кўзимизни очган ва янгича ўй-фикрларимизнинг серқирралиги учун муҳим замин яратганлиги баъзи бир шахсларимизни наҳотки бефарқ қолдирса! Онгимиз, миллий мафкурамиз, энг асосийси, ўзлигимизни англаш китобдан бошланиши эсимиздан чиққан бўлса!

Мени ранжитадиган нарса шуки, куни кеча транспорт кутиб турган вақтида бекатда "хуштаъм писталардан олинг", деган овоз эътиборимни тортди, Ёш қиз эътиборимни тортди, Ёш қиз "ширинсуханлик" билан харидорларига пистани қоғозга ўраб берарди. Эътибор бериб қарасам, йиртилаётган китоб Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари эди. Афсуслариб, "Бу китобни йиртишдан кўра бирор талабага сотиб ёки бирор кутубхонага топшириш эвазига бошқа қоғоз олиб ўраб берсангиз бўларди-ку" деган фикрни айтдим. Унинг ширинсуханлигидан асар ҳам қолмай, худди арпасини хом ўрганимдек, "китоб меники, хоҳлаганимни қиламан", деди ва ҳатто "тошингни тер", дея қойиб берди. Ноилождликдан индамай йўлимга равона бўлдим.

Дарҳақиқат, эркимиз ўз қўлимизда бўлган бир шароитда шуни истардимки, ушбу ҳолатлардек китобларимизнинг хор қилиб, қанчадан-қанча китобхонларимизнинг кўнглини ранжитадиган ишлар бўлмаса. Энг асосийси – инсонларни китобларга меҳр-муҳаббатли бўлишини хоҳлардим.

Санжар ҚИЁМОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази, "Ҳуррият" газетаси таҳририяти Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовга ва таниқли адабиётшунос Мирзааҳмад Олимовга падари бузруквори

ҲОШИМЖОН отанинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табриклаймиз!

Биз учун қадрли бўлган Муқаддасхон ШОДМОНОВА!

Сизни туғилган кунингиз ва Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этамиз. Ҳаёт йўлингиз доимо нурафшон бўлишини тилаб,

барча яқинларингиз номидан
МОҲИДИЛ.



Газетанинг навбатдаги сони 18 декабрь — чоршанба куни чиқади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Амирқул КАРИМОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ
Адади: 2590

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 1169

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.